

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**З.М.БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
UDK_____**

**Магистратура бўлими
Ўзбекистон тарихи кафедраси**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Бўлим бошлиғи
Н.И.Асқаров**

“ _____ ” _____ 2015 йил

**“ҲИМОЯГА ҚЎЙИЛДИ”
Кафедра мудири
М.Ғ.Абдуллаев**

“ _____ ” _____ 2015 йил

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИ
ИСЛОҲ ЭТИШ ЖАРАЁНИ (1991-2013 ЙИЛЛАР)**

МАВЗУСИДАГИ

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ

**Бажарди: Мамажанов Азизбек Алишер ўғли
“Ўзбекистон тарихи” йўналиши магистранти**

**Илмий раҳбар: Д.Т.Собирова
тарих фанлари номзоди, доцент**

АНДИЖОН – 2015

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3-8
I.БОБ. Мустақиллик йилларида ўзни ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ислоҳ этилиши.....	9-29
1.1. Ўзбекистонда ўзни ўзи бошқариш органларининг тарихий илдизлари.....	9-19
1.2. Ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий жиҳатдан шаклланиши.....	20-28
II.БОБ. Мустақиллик йилларида маҳалла институтининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-марифий, иқтисодий жиҳатдан юксалиши.....	29-51
2.1 Фуқаро йиғинларининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-марифий жиҳатдан юксалтириш.....	29-42
2.2 Маҳаллаларда тадбиркорликни кучайтириш, иқтисодий фаоллигини оширишда олиб борилаётган ислохотлар.....	43-51
III.БОБ. Ёшлар тарбиясида маҳалла институтларининг роли ва ўрни.....	52-72
3.1 Ёшларда маънавий ахлоқий тарбияни шакллантиришда таълим ва маҳалла бирлиги.....	52-65
3.2 Соғлом авлодни вояга етказиш ва спортни ривожлантиришда маҳаллаларнинг ўрни.....	65-72
Хулоса	72-76
Фойдаланилган адабиёт ва манбалар рўйхати.....	77-80
Иловалар.....	81-85

Кириш.

Мавзунинг долзарблиги: Ўзбекистон мустақиллика эришган даслабги кунларданок, ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий-демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуришни ўз олдига мақсад қилиб олди. Бу борада эса кўплаб ислохотлар амалга оширилиб, ушбу амалга оширилаётган ислохотлар фуқароларнинг фаровонлиги ва манфаатларига хизмат қилишлиги асосий мақсад этиб олинди. Жумладан, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуришнинг қонуний асослари ишлаб чиқилиб, энг аввало ўзининг қадимий тарихига эга бўлган маҳалла институтининг нуфузи ва ролини оширишга эътибор қаратилди. Бинобарин, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш фуқаролик жамияти қурилишининг энг асосий шартидир. Шу нуқтаи-назардан мамлакатимизда мустақиллик йилларида президентимиз раҳнамолигида ўзини ўзи бошқариш органларини ислоҳ этиш, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини оширишга катта аҳамият бериб келинмоқда. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги (2005 йил 28 январь) маърузасида алоҳида таъкидлаганидек “Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади- бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир”¹.

Тадқиқ этилаётган мавзунинг долзарблиги шундаки, *биринчидан*, бугунги кунда Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органлари соҳасида амалга оширилган ислохотлар жараёнини тадқиқ этиш, ҳолисона баҳо бериш билан боғлиқ; *иккинчидан*, Мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органларининг тарихий илдизлари, ривожланиши, фуқаролик жамияти қурилишида тутган ўрни ва ролини кенг ўрганиш, тадқиқ қилиш, бу соҳада амалга оширилган

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: Ўзбекистон, 2005. 34-б.

ишларни янада жадаллаштириш билан боғлиқ; учинчидан, Тарихдан маълумки, Шарқда ўрта аср уйғониш даврида яшаб ижод қилган мутафаккирларнинг асарлари ва ғояларида адолатли фуқаролик жамияти ҳақида илгари сурилган фикрларини ўрганиш билан боғлиқ; тўртинчидан, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқалий ўларни ўзини ўзи бошқариш органлари бўлган ҚФЙ МФЙ лардаги фаоллигини ошириш; бешинчидан, фуқаролик жамиятини шакллантиришда ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрнини ва ролини янада чуқурроқ ўрганишга қаратилган хулоса, таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишга бўлган эҳтиёж билан белгиланади.

Муаммонинг тадқиқ этилганлиги даражаси. Ҳозирги долзарб муаммолари билан шуғулланувчи мутахассислар фуқаролик жамияти ва унинг асосий институти бўлган ўзини ўзи бошқариш органлари мавзусини четлаб ўтиши мумкин эмас. Жамият ҳаёти учун ўта аҳамиятли бўлган мазкур институтнинг мазмун-моҳиятини тадқиқ этиш ҳуқуқшунос, сиёсатшунос, социолог, файласуф олимларнинг диққат марказида бўлган.

Дунёнинг қатор ривожланган мамлакатларида, шунингдек, ривожланаётган мамлакатларида, жумладан, Ўзбекистон Республикасида янги, адолатли демократик жамият қуриш бош мақсад қилиб белгилангач, ушбу масалани илмий ўрганишга бўлган қизиқиш янада кучайди.

Ушбу мавзу билан боғлиқ айрим назарий ва амалий муаммолар ўзбек ҳуқуқшунос олимларидан Ш.И.Жалилов², З.Исломов³, А.Саидов⁴, К.Комилов⁵, М.Сувонқулов⁶, С.Султонов⁷, А.Тўлаганов⁸, Э.Халилов⁹,

² Жалилов Ш. Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ислоҳоти: тажриба ва муаммолар.-Т.,1994. 192 б.; *Ўша муаллиф*. Маҳалла янгиланиш даврида. - Т., 1994. 72 б.; *Ўша муаллиф*. Маҳалла: ўзини ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий кафолати. - Т., 1999. 320 б.; *Ўша муаллиф*. Кучли давлатдан - кучли жамият сари: тажриба, таҳлил, амалиёт. - Т., 2001. 160 б.

³ Исломов З. Об ўество, государство, право. Тенденции и перспектив қ развития. - Т.: Адолат, 1997. 304 с.

⁴ Саидов А.Х. Маҳалла ва ўзини ўзи бошқариш органлари: эркинлаштириш ва замонавийлаштириш // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. - Т., 2000. №1. 11 - 17 б.

⁵ Комилов К. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунни такомиллаштириш зарурлиги тўғрисидаги фикр ва мулоҳазалар // Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида. - Т., 1997. 149-151 б.

⁶ Сувонқулов М. Ўзбекистон Республикасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг назарий - ҳуқуқий масалалари: юрид. фанлари номзоди ... дис. автореф. - Т., 2002. -24 б.

Г. Маликова¹⁰, Г.Исмаилова¹¹, З.Реймова¹², тарихчи олимлардан Г.Умарова¹³
Р.Т.Шамсуддинов, А.Исғоқов¹⁴лар сиёсатшунос олимлардан Р.Жумаев¹⁵,
М.Қирғизбоев¹⁶, К.Юнусов, М.Юнусова¹⁷ Т.Ортиқов¹⁸ социолог олим
А.Ҳолбеков¹⁹ ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Юқорида номлари кайд қилиб ўтилган олимларнинг илмий ишларига юқори баҳо берган ҳолда шу нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, улар Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ўрганганлар, фуқаролик жамиятини қуришда эса ўзини ўзи бошқариш органлари бўлган маҳаллалар фаолиятини асосий институт сифатидаги ўрни масаласини алоҳида тадқиқ этмаганлар. Шунинг учун ҳам биз мазкур муаммони махсус ўрганиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Ишнинг мақсади ва вазифалари: тадқиқот ишида ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуришда ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятларини ривожлантиришда уларнинг тарихий асосларини ўрганиш, ислоҳ этиш, ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва ривожлантириш орқали қуйи бошқарув тизимининг, яъни маҳалла институтининг ролини оширишни назарий жиҳатдан

⁷ Султонов С. Ўзбекистон Республикаси давлат вакиллик органлари ва фуқароларнинг ўзини - ўзи бошқариш асосларини ўрганувчиларга услубий қўлланма. - Т.: Чўлпон, 1996. 34 б.

⁸ Тўлаганов А. Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш. Дарслик. - Т.: ТДЮИ, 2002. - 196 б.

⁹ Халилов Э. Деятельности Олий Мажлиса по пов кшению роли органов самоуправления граждан в строительстве правового гражданского общества //Общественные науки в Узбекистане. 1999. №1-2. 3-11 с.

¹⁰ Маликова Г.Р. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айрим вазифа ва ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш (ҳуқуқий, ташкилий масалалар) .Ю.ф.н....дисс. автореф. Т. 2004. -24 б.

¹¹ Исмаилова Г.С. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий - ҳуқуқий муаммолари. Юрид.фан номзоди... дисс. -Т., 2005.-174 б.

¹² Реймова З.А. Қорақалпоғистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий мақоми. Ю.ф.н. дисс.Т., 2004.-139 б.

¹³ Умарова Г.Б. Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органларининг шаклланиши ва такомиллаштириш тарихи. Тарих фан. номзоди... дисс. Т., 2003. - 164 б.1

¹⁴ Шамсуддинов Р.Т., А.А. Исҳоқов Андижон тарихидан лавҳалар.- Т.: Шарқ, - Т.: Шарқ, 2013.

¹⁵ Жумаев Р. Давлат ва жамият: Демократлаштириш йўлида.- Т.: Шарқ, 1998.

¹⁶ Қирғизбоев М. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши. Сиёсий фан. докт. Илмий даражасини олиш учун дисс.-Т., 2007.- 342 б.

¹⁶ Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. – Т.: Ўзбекистон, 2010. 196-208бет

¹⁷ К.А.Юнусов масъул муҳаррирлигида. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этишда нодавлат ва жамоат бирлашмаларининг роли. –А.: Андижон ДУ 2009.

¹⁸ Т.Ортиқов, К.А.Юнусов, М.Юнусова, В.Қўчқаров. Ўзбекистондаги нодавлат ва жамоат бирлашмалари фаолиятининг назарий асослари. –Андижон, 2008.

¹⁹ Ҳолбеков А. Ўзбекистонда жамиятнинг демократлашуви жараёнида ижтимоий адолатни амалга ошириш муаммолари (сиёсий-социологик таҳлил).Соц.фан.докт.илмий даражасини олиш учун дисс.-Т., 2001.

умумлаштириб ўрганишдан иборат мақсад белгиланди. Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифаларни бажариш қўйлади:

- ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда маҳалла институтлари фаолиятини ривожлантириш ҳолатини қисқача ёритиб ўтиш, бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг ўзига хос томонларини аниқлаш;

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бўлган маҳалла институтларининг тарихий илдизларини ўзига хос кўринишларини ўрганиш;

- совет мустамлакачилиги даврида коммунистик мафкурага асосланган тоталитар тузум бошқаруви даврида мамлакатимизда жамоат институтлари ҳамда ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти такомиллаштирилмаганлигини илмий назарий асосда ўрганиш;

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизими тушунчаси ва унинг ҳуқуқий мақомини ривожлантиришда илғор демократик мамлакатлардаги ҳуқуқий мезонлар даражасида ифодаланишининг муҳим хусусиятларини очиқ бериш;

- ўрганилган муаммо бўйича жамланган маълумотлар асосида хулоса чиқариш ва амалий аҳамиятга молик таклиф ва тавсиялар бериш.

Тадқиқот объекти ва предмети: тадқиқот объекти-фуқаролик жамиятини куришда, ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий-сиёсий, маънавий аҳамияти, уларнинг ўрни ва роли.

Предмети-ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ислох этишининг тарихи ва ижтимоий ҳуқуқий меъёрларини илмий асосда ўрганиш.

Тадқиқот услубияти ва услублари: тадқиқотда мустақил Ўзбекистон Республикаси миллий мафкурасининг устувор мақсад ва вазифалари ғоявий асос қилиб олинган. Диссертация ишида илмий билишнинг ҳолислик, тарихийлик, ўзаро таҳлил, объективлик, тизимлилик ва ривожланиш каби тамойилларига амал қилинади. Диссертацияни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарларида, маъруза

ва нутқларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида сўзлаган нутқи (“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”), шунингдек, ҳукумат қарорларида илгари сурилаётган методологик, илмий-назарий, маънавий-мафкуравий характердаги фикрлар, дастурий-концептуал кўрсатмалар ҳам назарий-методологик асос вазифасини бажаради.

Тадқиқот натижаларининг илмий жиҳатдан янгилик даражаси:

мазкур тадқиқот тамоман янги, замонавий методология асосида тадқиқ қилинади. Диссертацияда миллий ғоя ва мафкуранинг устувор тамойилларига асосланган ҳолда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуришда ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ижтимоий-сиёсий, маънавий, ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан ўрганиш тарихшуносликнинг бугунги кун талаблари даражасида тадқиқ этилади. Тадқиқот мавзусининг илмий янгилиги яна шундан иборатки мавзу алоҳида тадқиқот объекти сифатида магистрлик диссертацияси даражасида биринчи бор тадқиқ этилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва тадбиқи:

магистрлик диссертациясининг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот натижасида жамланган илмий маълумотлар, назарий хулосалар ва умумлаштиришлар ўзини ўзи бошқариш органларидаги умумий ўзгаришларни, қиёфасини ҳамда мустақиллик йилларида улар фаолиятининг таркибидаги ўзгаришлар тарихини ҳолисона ўрганишга хизмат қилади. Шунингдек, бугунги кунда республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий, ҳуқуқий ва иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришда ҳамда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуришда аҳолининг ижтимоий фикрини ривожлантириш ва самарадорлигини оширишда ҳам диссертациянинг назарий хулосалари маълум маънода амалий аҳамият касб этади. Шу билан бирга, магистрлик диссертациясида жамланган маълумотлардан таълимнинг турли

босқичларида ўқув жараёнларида қўшимча материал сифатида фойдаланиш мумкин. Шунингдек, тадқиқот материалларидан Ватанимиз тарихига оид дарслик, ўқув қўлланма ва монографиялар тайёрлашда ҳам фойдаланиш мумкин.

Ишнинг тузилиши ва таркиби: магистрлик диссертацияси кириш, 3 та боб, 6 та параграф хулоса ҳамда фойдаланилган манбаа ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

Бажарилган ишнинг асосий натижалари: диссертацияни тайёрлашда муаммога алоқадор манбаалар ва илмий адабиётлардан фойдаланилади. Магистрлик диссертацияси тайёрланади.

Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси: диссертация мавзуси бўйича бугунгача жамланган манбаалар ва илмий адабиётларнинг умумлаштирилган хулосаси шундан далолат беради-ки, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуришда ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади. Айни вақтда ўзининг тарихи, анъана ва қадриятига эга бўлган маҳалла институтлари фаолиятидаги ўзгаришларни ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий жиҳатидан ўрганишни бугунги кун талаблари даражасида тадқиқ этиш, бу борада қўлга киритилган тарихий тажрибаларни умумлаштириш муҳим аҳамиятга эгадир.

I Боб Мустақиллик йилларида ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ислох этилиши.

1.1. Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органларининг тарихий илдизлари .

Мустақиллик даврида Ўзбекистонда кўплаб ислохотлар амалга оширилиб, ушбу амалга оширилаётган ислохотлардан мақсад инсонларга ҳар томонлама қулай ва муносиб бўлган турмуш тарзини яратишдан иборатдир. Бу борада эса мамлакатимизда аҳолининг барча қатламларини манфаатларини инобатга олган ҳолда, ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш бош мақсад қилиб белгиланди. Ўз навбатида ҳуқуқий давлат ва барча ижтимоий қатламларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлақонли инобатга олган, адолатли фуқаролик жамиятини қуришдан мақсад эса фуқароларнинг жамиятда ўзини ўзи эркин бошқаришлари учун кенг имкониятлар эшигини яратиб беришдан иборатдир. Бинобарин, эски тоталитар тузумдан демократик жамиятга ўтиш тадрижий характерга эга бўлиб, бу йўлдаги қийинчиликларни енгиш фуқароларнинг фаол ва кенг иштирокини талаб этади. Айниқса, эски шаклланган халқ менталитети ва дунёқарашида янги жамиятга хос ўзгаришларни амалга ошириш, фуқаролик жамиятига хос мезонлар ва қадриятларни фуқаролар онгига сннғдириш бу соҳадаги энг сермеҳнат ва машаққатли жараёнлар сирасига киради. Ўтиш давридаги ислохотларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини замонавийлаштириш ва эркинлаштиришга қаратилган жараёнлари ҳам миллий ўзликни англаш, илғор мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, ўзига хос йўللарни кашф этиш каби қатор изланишлар самараси ўлароқ тобора кенгрок турмуш тарзимизга сингиб бормоқда. Бу соҳадаги ислохотларни чуқурлаштиришда давлатнинг бош ислохотчи сифатида амалга оширган чора-тадбирлари туфайли ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролик жамиятининг асосий институтига айланиб бормоқда.

Президент Ислам Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобида ўзини ўзи бошқариш органлари учун ўта муҳим бўлган кўйидаги демократик қондани келтиради: «Жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камида учта мезон бор. Булар — халқ қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлигидир. Ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқаролар давлатини бошқаришда қанчалик иштирок этишидир».²⁰ Демак, бундан кўринадикки, давлатнинг демократлашуви ва унинг ҳуқуқий давлат мақомига эришуви кўп жиҳатлардан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишларида кенг иштирок этишларига боғлиқ экан, аввало фуқароларнинг ижтимоий, маънавий, сиёсий жиҳатдан бирлаштириб турувчи максан маҳаллаларни тарихий қадриятлари ва анъаналарини, ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Тарихнинг гувоҳлик беришича, Ватанимизда қадимдан маҳаллалар фаолият кўрсатиб келган бўлиб, Бинобарин, Сурхондарё вилоятининг Музробод тумани Шеробот чўлини кесиб ўтган Ўланбулоқсой ёқасига жойлашган ҳудудидаги археологик ёдгорлик Сополлитепада 1969-74 йилларда археологик ўрганишлар олиб борган академик Аҳмадали Асқаров Сополлитепанинг майдони тахминан 3га тенглиги ва унинг марказий қисми эса 1га га яқин бўлганлиги ҳамда ушбу қисми мудофаа деворлари билан ўраб олинганлигини айтиб ўтади. Қалъа ичидаги туррар жой мажмуалари унинг ички деворлари бўйлаб жойлашган бўлиб, улар кўчалар бўйлаб 8 та маҳаллага бўлинган. Ушбу маҳаллаларда 150 дан ортиқ турар жой мажмуалари очилиб уларни маҳалла бўйича тахсимлаганда 15-20 тагача оилавий турар жой мажмуаларига тўғри келган. Бир неча ана шундай оила бирликлари катта патртархал уруғ жамоасини ташкил этган. Ўз навбатида Сополлитепа ана шундай катта патриархал уруғ жамоаларидан 8 тасини бирлаштирган қишлоқ жамоаси эди. Бинобарин, ҳар бир патриархал жамоа

²⁰ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997. -181 б.

маҳалласи қошида уларнинг кундалик эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда кулолчилик цехи, металл эритиш устахоналари мавжуд бўлганини аниқлаган²¹.

Мил.авв. 3 асрдан милодий 5 асрнинг бошларигача Фарғона (Паркана) давлатида ҳам оқсоқоллар кенгаши муҳим вазифаларни ҳал этган. Кенгаш асосан сулҳ тузиш, вазирлар таркиби ва солиқларни тайинлаш, уриш эълон қилиш, жамоа ишларига сафарбар этиш каби масалалар билан шуғулланган. Ана шундай маҳалла, жамоа бизнинг Андижонда ҳам бундан 2,5-3 минг йилдан бери мавжуддир²².

“Маҳалла” атамаси арабча бўлиб, “ўрин-жой” деган маънони англатган. У турли минтақаларда маҳоллот (жой), гузар, жамоа, элат, элод номларида аталиб келинган. Адабиётларда маҳаллаларнинг кўп минг йиллик тарихига эга эканлиги ҳақида маълумотлар учрайди. Масалан, Наршахий ўзининг “Бухоро тарихи” асарида Бухорода бундан 1100 йил илгари бир қанча Маҳаллалар бўлганлигини қайт этиб ўтган. Алишер Навоий ўзининг “Ҳайрат ул-аброр” асарида маҳаллани “маҳалла шаҳар ичидаги шаҳарча” дир деб таърифлайди, Ҳирот шаҳри “юз шаҳарча”лардан, яъни маҳаллалардан ташкил топган эканлигини айтиб ўтади.²³ Маҳаллалар айниқса Амир Темур даврида раванқ топган. Маҳаллалар фуқароларнинг касб-кори асосида шаклланган ва шунга қараб номланган. Масалан, заргарлик, мисгарлик, кўнчилик, пичоқчилик, қошиқчилик, темирчи, эгарчи, тақачи сингари турли номлар билан номланган. Ўз навбатида маҳалла қадимдан маҳаллий ҳокимиятнинг ўзига хос бир шакли, кўриниши тарзида фаолият кўрсатган. Маҳаллани бошқариш жамоатчилик асосида олиб борилиб, ўзининг ёзилмаган ички тартиб-қоидаларига эга бўлиб, у ҳамма учун бирдек қонуний хисобланган.

Маҳалла кичик маъмурий ҳудуд бўлиши билан бирга, турмуш тарзи, кадрятлар, анъаналар, урф-одатлар умумийлиги билан боғланган кишилар

²¹Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8-жилд –Т.: Давлат илмий нашриёти, 2004. -20 бет

²²Шамсутдинов Р.,Исҳоқов А. Андижон тарихидан лавҳалар.-Т.: “Sharq” нашриёти. 2013.-418бет

²³ Қориева М. Мустақиллик-эркин ва фаровон ҳаёт. –Т.: Янги аср авлоди. 2013. -155 бет

жамоаси бирлигидир. Тарихнинг турли босқичларида даврлар, тузумлар ўзгаришига қараб маҳалланинг вазифалари ҳам ўзгариб турган.

XX асрнинг бошларидаёқ маҳаллалар даҳа бошлиқлари-мингбошилар сайлайдиган юзбоши (оқсоқоллар) томонидан бошқарилган. Юзбоши ва унинг ёрдамчилари маҳалладаги барча жамоат ишлари ва маросимларни бошқарганлар, шунингдек фуқароларнинг шаҳар йиғинлари ва шаҳар муассасларида маҳалла манфаатларини ҳимоя қилганлар.

Маҳаллаларнинг асосий вазифалари: маросимларни биргаликда ўтказиш, ўз ҳудудини батартиб сақлаш ва ободонлаштириш, ёш аввлодни ижтимоий руҳда тарбиялаш, жамият ҳаётида тартиб сақланишини таъминлаш, барча анъанавий меёрларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатиш, урф одатларга роя қилиш ва уларни бузган, жамоат мажбурятларидан бўйин товлаганларни жазолашдан иборат бўлган. Маҳалла раҳбарияти ариқ-ховузларни тозалаш, кўчалар йўллар куриш ва маҳалла ободончилиги билан боғлиқ бошқа жамоат ишларини уюштирганлар. Бу ишларнинг барчаси биргаликда ҳашар йўли билан амалга оширилган.

Маҳалла жамиятимизнинг тузилмаси сифатида тарихан бир қанча ривожланиш босқичларини босиб ўтди. Жумладан, 20- асрнинг 1- чорагида ўзининг анъанавий шаклини олди.

Ўз ўрнида совет ҳукумати маҳаллага ўз умрини яшаб бўлган ўтмиш сарқити сифатида қаради. Шундан келиб чиқиб, у анъанавий миллий бошқарувни бекор қилиш йўли билан бу ерда саноатлашган “илғор” жамиятни қарор топтириш сиёсатини жорий этишга киришди. 20 йиллар бошларидан совет ҳукумати маҳаллалар вазифасини чеклаш, ўзга бўйсиндиришга интилди, бу ҳол маҳалла фаолиятига ўз таъсирини кўрсатди. Бироқ маҳалла ўзининг яшовчанлигини намаён этиб, анъанавий ҳаёт ва алоқа тарзига қарши ҳар қандай хужумларга ва уларнинг йўқатиш йўлидаги уринишларга дош берди. У илгарги урф-одат ва расм русимларни сақлаб қолди.

20-30 йилларда маҳалла эски турмушга қарши “хужум”да – паранжи ташлаш ва хотин-қизларни озодлика олиб чиқиш ҳаракатида иштирок этди. Шу илан бирга маҳалла саводсизликни тугатиш оммани маърифатлий қилиш, жойларни ободонлаштириш (йўл, чойхона, мактаблар қурилиши) да муҳим аҳамият касб этди.

1932 йил 17 апрелда Ўзбекистонда биринчи мартаба шаҳарлардаги маҳалла қўмитаси тўғрисида Низом чиқди. 1935-36 йилларда маҳаллаларда оқсоқол бошчилигида маҳалла қўмиталари ташкил этилиб, аҳоли ўртасида олиб бориладиган барча ишларни раис бошқарган.

2-жаҳон уриши даврида маҳаллалар байналмиллатчилик табиатини намоён этди. Уриш даврида маҳалла қўмиталари армияга чақирувни ташкил этиш, аҳолидан посилка жўнатиш, кўчириб келтирилган аҳолини болаларини жойлаштиришда фаол иштирок этди.²⁴ Бундан ҳам куриш мумкинки ўзбек маҳаллаларида яшовчи фуқаролар уруш даврида иштимой кийинчиликларга қарамай гарчанд яшаш тарзи кийин бўлса ҳам уришда ота-онасидан ажиралиб, етим қолган болаларни ўзларининг болларига кўшиб ўзи емай едириб, киймай кийдириб, оқ ювиб оқ тараганлар.

Ўз навбатида ўзбек халқининг бой маънавий меросига, улардаги ўзаро меҳир оқибатга баҳо берган Леонид Левитен ўзининг “Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида” китобида ўзбек маҳалласининг тарихий ривожланиш босқичини қуйидагича тарифлаган. “Маҳалла” атамасини яна ҳам кенгроқ маънода, шартли равишда фақат шаҳарлардаги эмас, балки қишлоқ ва овуллардаги туб жой жамоалари маъносида ҳам ишлатиш мумкин.

Мовароуннаҳрда шаҳарлар Ғарбий Европадагига қараганда олдинроқ пайдо бўлган ва дастлаб у ердагига қараганда кўпроқ иқтисодий ва маданий роль ўйнаган. Лекин Ғарбий Европадаги шаҳарликларнинг ўз ҳуқуқларини босқичма-босқич кенгайтириб бориш учун кураши натижаси ўлароқ, шаҳар демократияси шакллари эртароқ ривожланди. Бу ҳуқуқлар ана шу кураш жараёнида қафолатланган шаҳар ҳуқуқи тарзида расмийлаштирилди.

²⁴ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд –Т.: Давлат илмий нашриёти, 2003. 548 б.

Бу ўринда назардан қочирмаслик керак бўлган ғоят муҳим нарса шуки, Ғарбий Европада шаҳарлар черков феодалларига ва зодагон феодалларга қарашли ерларда пайдо бўлган. Бу эса Ғарбий Европадаги ўрта аср шаҳарларининг ички мухторият учун, коммунал ҳуқуқлар учун курашини енгиллаштирар эди. Улар бунга озми-кўпми эришишди. Шаҳар демократиясини кенгайтириш учун кейинчалик олиб борилган кураш натижалари турлича бўлди, лекин умуман олганда, бу кураш шаҳар ҳуқуқининг ривожланишига ёрдам берди.

Мовароуннаҳрда шаҳарлар зодагон феодалларнинг мулкларида эмас, балки давлат мулки деб ҳисобланган ерларда пайдо бўлган ва ривожланган. Бу ерда ўзини ўзи бошқариш идорасини четлаб ўтиб шаҳар ҳаётини бевосита йўлга қўйиш учун азалдан самарали воситалар мавжуд бўлган. Шунга қарамай Бухоро, Самарқанд, Хива, Тошкентда аҳолининг мавзелар бўйича ташкилотлари, хунармандлар ва савдогарлар уюшмалари мавжуд бўлганки, уларнинг прогрессив имкониятларини етарли баҳоламай ўтиш асло мумкин эмас.

Ўрта Осиё шаҳарларининг аҳоли яшайдиган мавзелари илк ўрта асрлардан бошлабоқ ниҳоятда ўзига хос ҳодиса бўлган. Унга нисбатан русча "квартал" атамасини шартли равишдагина қўллаш мумкин. Ҳозирги Европада квартал деганда озми-кўпми тўғри тўртбурчак шаклидаги, тўрттала томондан кўчалар билан ажралган майдондаги бир тўп уйлар тушунилади. Ўрта Осиё шаҳарларида кўча, аксинча, унда яшайдиган одамларни бирлаштирган, мавзенинг юраги, ўзаги бўлган. Мавзе кўчанинг иккала томонидаги ва унга туташган тор кўча ва боши берк кўчалардаги уйларни ўз ичига олган. Мавзе фақат ҳудудий жиҳатдан шаҳар ячейкаси бўлиб қолмасдан, шу билан бирга, маъмурий бирлик ҳам бўлган. Шаҳар маъмурлари мавзеларда уларнинг оқсоқоллари орқали иш юритган. Аҳолисининг таркиби жиҳатидан маҳаллалар бир хил бўлмаган. Масалан, Бухорода бошқа ерлардан кўчиб келган одамлар ҳаммиллатлар ёки юртдошлардан иборат алоҳида маҳаллаларда, баъзан эса бир неча қўшни

маҳаллаларда яшаган, кўпгина маҳаллаларда аҳолининг аксарият қисмини бир хил касбли ҳунармандлар ташкил қилиши одат бўлган. Шу билан бир қаторда турли касблар билан шуғулланадиган ҳунармандлар бирга яшайдиган маҳаллалар ҳам аҳолининг турли қатламлари: савдогарлар, руҳонийлар, аслзодалар аралашиб яшайдиган маҳаллалар ҳам кўп бўлган. Асосий аҳолиси сунний бўлган маҳаллаларда шиа мазҳабидагилар ҳам аралашиб яшайверган.

Маҳалла аҳолисининг ижтимоий таркиби ҳам бир хил бўлмаган: бир мавзеда бойлар билан камбағаллар, аслзодалар билан оддий халқ, "хўжалар" билан "қорача"лар ҳам ёнма-ён яшайверган. Баъзи мавзеларда имтиёзли қатламга мансуб ҳарбий хизматчилар табақасининг вакиллари ҳам кўп бўлган. Одатда булар жангчилар — навкарлар етказиб бериш мажбурияти юклатилган музофотлардан шаҳарга кўчиб келган ўзбек оилалари бўлган.

Маҳалла аҳолиси таркибан ҳар қанча хилма-хил бўлмасин, синфий тенгсизликка, касбий уюшиш йўқлигига қарамай, шахсий алоқалар, муштарак манфаатлар ва мажбуриятлар, умумий ишларда иштирок этиш орқали маҳалла жамоасига бирлашган. Маҳалла ҳаётининг жамоа бўлиб яшаш тарзи ўзини ўзи бошқариш тизимини келтириб чиқарди. Маҳаллага сайлаб кўйиладиган оқсоқол бошчилик қилган. Турли манбаларнинг гувоҳлик беришича, нолойиқ одамларни сайлаб кўйиш жамоага кўп ноқулайликлар ва кўнгилсизликлар келтиришини яхши тушунган аҳоли оқсоқол ва унинг ёрдамчиларини сайлашга ҳамма замонларда ҳам жуда жиддий қараган. Оқсоқол шаҳар маъмурлари олдида маҳалланинг расмий вакили бўлган, шу сабабли улар томонидан тасдиқланиши керак бўлган.

Чуқур тарихий илдизларга эга бўлган, халқнинг кундалик ҳаётини ташкил этиб ва йўлга солиб турган маҳалла демократик пойдеворга асосланган мунтазам ахлоқ-одоб тизимини келтириб чиқарди. Булар даврлар синовига дош берган ўзаро ёрдам, меҳмондўстлик ва кексаларга ҳурмат, ҳамма жамоа аъзоларининг тенглигидир. Маҳаллада яшовчи биронта ҳам одам ўзини ёлғиз ҳис қилмаган, у ҳамма вақт хайрихоҳлик ва маънавий

мададан ташқари, зарур моддий ёрдамга ҳам умид қила олган. Хуллас, бу ерда гап ажойиб ҳамжихатлик ва бирдамлик анъаналари ҳақида бормоқда.

Ўзбекларнинг кўпгина анъанавий ижтимоий тузилмаларига қарши чиққан совет ҳокимияти маҳалла билан олишишда чекинишга мажбур бўлди. Бу ҳокимиятнинг маҳаллага тиши ўтмади. 1932 йилда "Ўзбекистон шаҳарларидаги маҳалла кўмиталари тўғрисида Низом" чиқди. 1938 йилда маҳаллага ҳужум умуман тўхтатилди. Улар янги социалистик тузилмалар билан бирга мавжуд бўлиши, бу тузилмаларни тўлдириши керак, деган қарор қабул қилинди²⁵.

1961йил августда Ўзбекистон Олий Кенгаши томонидан чиқарилган "Республика шаҳар, қишлоқ, посёлкаларидаги ва овуллардаги маҳалла кўмиталари тўғрисидаги" Низомда ҳам Маҳаллага юридик шахс мақоми берилмаган эди. "Маҳалла кўмиталари бирон-бир молиявий хўжалик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас" эди. Маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатлари чекланган эди.

Ўзбекистон мустақиллика эришгач, маҳаллаларга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига ва 1993 йил сенатда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонунга биноан, маҳаллалар ўз ҳуқуқий мақомига эга бўлиб, маҳаллий ҳокимият таркибига кирди. Маҳаллалар давлатнинг жойлардаги муҳим таянчи, юридик шахс сифатида ўз мол-мулкига, молиявий бюджетига, бангдаги ҳисоб китоб рақамига-жамғармасига эгадир. Бу қонунга асосан, ҳар бир маҳалла ўзининг ҳудудида ички низомини ташкил этиши, кичик корхоналар очиши, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни сотиши, унинг бир қисмини маҳаллалардаги эҳтиёжмадларга бепул тарқатиши, ўз ҳудудидаги аҳолини иш билан таъминлаши, аҳолига маданий-майиши хизмат кўрсатиши мумкин.

²⁵ Леонид Левитин. Ўзбекистон тарихий бурилиш паласида. Президент Ислон Каримов тарафдорларининг танқидий мулоҳазалари. Т.: "Ўзбекистон" 2001. -184 бет

Бугунги кунда маҳаллаларнинг бозор иқтисодиёти қонунлари асосида, ўз фаолиятларини ташкил этишлари учун барча имкониятлар яратилди. Улар, тўй-маърака маросимларини ўтказиш, хашарлар уюштириш, оилавий низоларни бартараф этиш, беморлар ҳолидан хабар олиш ишлари билан шуғулланади. Кўпчилик маҳаллаларнинг ўз масжиди бор, турли маъракалар учун керакли ашёлар (дошқозон, идиш-товоқ, чойнак-пиёла, тобут ва бошқа буюмлар) мавжуд. 90 йилларда маҳалла ҳокимиятнинг расман қуйи юридик органига айланди. Маҳалла вазифалари анча кенгайди, у демократик давлатнинг энг муҳим бўғинларидан бири.

Маҳалла ва унинг аҳолисининг ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам маданий юксалишига ҳар томонлама ёрдам бериш, миллий анъана ва урф-одатларни бойитиш, маҳалла қўмиталари ишларини мувофиқлаштириш, маҳаллалардаги кам таъминланган оилалар, кексалар, фахрийлар, ногиронлар, кўп болали оилалар, етим-есирлар, байналмилалчилар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш мақсадида 1993 йил 17 августда Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамғармаси ташкил этилди. “Маҳалла” газетаси чиқа бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов маҳалланинг ҳозирги замон жамиятидаги моҳияти ва аҳамиятига қуйидагича баҳо беради: “Ўз-ўзини бошқаришнинг халқимиз анъаналари ва қадириятига жуда хос бўлган усули маҳаллалар тизими сўнгги йилларда жуда катта нуфузга эга бўлиб бормоқда. Улар амалда ўз ҳуқуқларидаги барча ишлар учун маъсулдирлар. Зеро, маҳалланинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Унинг нуфузини кўтариш, блингики, нафақат иқтисодий, нафақат ижтимоий, балки бу сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масаладир. Биз маҳаллаларга шу нуқтайи назардан қарашимиз лозим”.

Ҳар бир маҳалла аниқ таркибий тузилмага эга. Унга маҳалланинг умумий йиғилишида сайланадиган маҳалла кенгаши раҳбарлик қилади. Кенгаш ўз таркибидан расман маҳалла йиғини раиси (оқсоқол)ни, ўринбосар ва котибни сайлайди. Бундан ташқари, маҳалла кенгашига кекса тажрибалий

кишиларданмаҳалла оқсоқоли маслаҳатчилари ҳам сайланади. Кенгаш ари фахрийлари билан иш олиб борувчи, жамоат тартибини сақлаш, ободонлаштириш, турар жой фондларини сақлаш сингари ишлар бўйича комиссиялар тузилади.

Ўзининг ўхшаши йўқ маданияти, маънавияти, кадряти урф-одат ва анъанасига эга бўлган, маҳалла ўзини ўзи бошқариш органи сифатида фаолият олиб бораётган, дунёнинг ҳеч бир мамлакатлари миллий минталитетида учрамайдиган, ўхшаши йўқ маскан сифатида гавдаланади. Ўтмишда ҳам ҳозирда ҳам кишилар бирлиги сифатида, жамиятнинг асосий бўғини бўлган маҳаллалар ўзларининг тарихий илдизларига эгадир. Ўзининг тарихий илдизига эга бўлган маҳалла институтлари фуқаролик жамияти институти сифатида биз бугун танлаган ва қураётган йўлимиз, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуришда асосий ячейка бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, давлат ва жамиятнинг асосий бўғини оила дейдиган бўлсак, ушбу оилаларни бирлаштириб турувчи маскан бу маҳалла дир. Бинобарин, оилада туғилган фарзанд маънавий жиҳатдан тарбия топип камолотга етишида аввало маҳалланинг ўрни ва роли беқиёсдир. Шундан бўлса керак доно халқимиз, жамиятдаги турли ижтимоий масалаларни ечишда маҳаллага мурожат этиб, қуйидаги пурмано сўзни илгари сурганлар: “Отанг-маҳалла, онанг-маҳалла” ушбу сўзни маносига эътибор берадиган бўлсак, баъзи пайтда оила даврасида ҳал қилиниши мураккаб бўлган масалалар ҳам учраб қолади. Ана шундай вазиятларда оиланинг маслаҳатчилари бўлган кексалар ўтиб кетган бўлсалар, ушбу масалаларни тинч йўл билан ҳал этишда ва тўғри йўл кўрсатишда маҳалланинг ўрни беқиёсдир.

Инсонлар яшаш ва олий даражадаги бахтга эришлари учун кўп нарсаларга эҳтиёж сезишларини ёзиб ўтган Абу Наср Форобий ўрта аср шароитида биринчилардан бўлиб жамиятнинг келиб чиқиши, мақсад ва вазибалари ҳақида изчил таълимот яратди. Ушбу таълимотда ижтимоий

хаётнинг кўп масалалари-давлатни бошқариш, таълим-тарбия, ахлоқ, маърифат сингари масалалар камраб олинган. Аллома ўзининг “Фозил одамлар шаҳри” деб номланган асарида инсонларнинг яшashi ва олий даражадаги бахтга эришишлари учун кўп нарсаларга эҳтиёж сезишларига урғу бериб, инсон жамоасининг келиб чиқиши хақида шундай ёзади: “Ҳар бир инсон табиатан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга мухтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж тўғилади... Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутин ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун ҳам инсон шахслари кўпаядилар ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашадилар, натижада инсон жамоаси вужудга келади.”²⁶

Форобийнинг юқорида келтирилган фикрларидан ҳам шуни англаб олиш мумкинки, инсон табиатан ҳеч қачон ўзи ёлғиз ҳолда яшай олмайди. Чунки у яшашга, яшаганда ҳам яхши яшашга интилади, бу йўлда эса ижтимоий бирлик жамиятга суянади. Ана шу жамиятни асосини эса маҳалла ташкил этади. Шундай экан маҳалла кишилар бирлиги сифатида ўзининг тарихий илдизига эга бўлган ҳолда, ўзоқ йиллар сивилизация бешиги сифатида яша келган, ҳозирда ҳам яшаб келмоқда.

²⁶ Абу Насир Фороби. Фозил одамлар шаҳри. 2-нашри –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илми нашриёти” 2012.-4 бет.

1.2. Ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий жиҳатдан шаклланиши.

Ўзбекистонда мустақилликнинг даслабки кунларидан бошлаб, эътибор берилиб келинаётган ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш мақсадида кўплаб қонунлар ва фармон, қарорлар қабул қилинди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолияти ҳуқуқий жиҳатдан, аввало, бош қомусимиз бўлган Конституциямизнинг 105 моддаси ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий мақомини қуйидагича белгилайди: “Шаҳарча, қишлоқ ва овуллар, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Ўзини ўзи бошқариш органларининг сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади”²⁷. Ўзини ўзи бошқариш органларининг асосини маҳалла фуқаролар йиғинлари ташкил этади. Фуқаролар йиғини, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий мақоми тўғрисида Ўзбекистон юридик энциклопедиясида қуйидагича изоҳланади: Фуқаролар йиғини-фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига мувофиқ, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳаллалар фуқароларнинг йиғинлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидир, дейилган бўлса, ушбу қонуннинг 8-моддасига асосан, фуқаролар йиғинлари аҳоли манфаатларини ифодалаш ва унинг номидан тегишли ҳудудда амал қиладиган қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга. Фуқаролар йиғинлари органлари қуйидагилардан иборат: Фуқаролар йиғинлари кенгаши; Фуқаролар йиғинлари бўйича комиссиялар; фуқаролар йиғинлари тафтиш комиссияси; туман марказидан олисда жойлашган ва

²⁷ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон, 2012. 29 бет.

бориш қийин бўлган шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тузиладиган маъмурий комиссия.

Фуқаролар йиғинлари фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар, фуқаролар йиғинлари тафтиш комиссияси ва маъмурий комиссияни сайлаш фуқароларнинг қонунда белгиланган сайлов ҳуқуқлари кафолатлари таъминланган ҳолда яширин ёки очиқ овоз бериш йўли билан амалга оширилади.

Комиссия таркибида кўрсатилган шахс, агар фуқаролар йиғинларида (вакиллар йиғилишида) ҳозир бўлганларнинг яримидан кўпроғи уни ёқлаб овоз берган бўлса, сайланган ҳисобланади. Фуқаролар йиғинлари ўзлари тасдиқлаган низом асосида фаолият юритади. Ўз навбатида фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари икки ярим йил муддатга сайланади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) тегишли туман, шаҳар ҳокими билан келишилган ҳолда, маслаҳатчилар эса фуқаролар йиғинлари раисининг (оқсоқолининг) тақдимига биноан сайланади.²⁸

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан янада такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича ислохотлар олиб борилмоқда. Жумладан, ушбу ислохотларни олиб боришдан мақсад эса “кучли давлатдан кучли жамият сари” концепциясига асосан фуқаролик жамиятини шакллантиришда, фуқаролик жамияти институти бўлган ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни маҳалла йиғинлари фаолиятини ҳар томонлама кучайтиришдир. Бу борада эса 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика “Маҳалла” хайрия жамғармасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида” ги қонун қабул қилинган бўлса, 1998 йил 23 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қуватлаш ҳақида” ги фармонга кўра, маҳалла раҳбарятининг (раис, котиб) фаоллигини ошириш, ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб қуватлаш мақсадида уларнинг иш ҳақи оширилди,

²⁸ Ўзбекистон юридик энциклопедияси.-Т.: “Адолат” 2010.-489 бет

пенсионер раисларга пенсияни тўлиқ олишларига ижозат берилди. Натижада маҳалла раҳбариятининг манфаатдорлиги ва нуфузи ортди.

Фуқаролик жамиятини куриш, албатта, кучли давлатдан кучли жамият сари босқичма-босқич ўтиш орқали рўй беради. 1999 йил 14 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари ҳақида”ги (янги таҳрирда) қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида туб бурилиш ясади. Янги таҳрирдаги қонуннинг 7-моддасига асосан, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари таркибига кирмайди деб тўғридан-тўғри белгилаб қўйилди. Бу қонунда маҳалла бажариши зарур бўлган вазифалар белгилаб берилган. Маҳаллага юқорида санаб ўтилган вазифалардан ташқари, янги вазифалар юклатилган. У ўз худудида савдо ва маиший хизматни, санитария ва экологик ҳолатни назорат қилишга кўмаклашади, ёнғин ҳавфсизлиги, турар жой фондини сақлаш, аҳолидан солиқ ва мажбурий тўловларни ўз вақтида тушишини таъминлашга ёрдам беради. Ана шу пул маблағлари тушумининг муайян миқдори ўз-ўзини бошқариш органлари жамғармасига ўтказилади. Бу маблағлар кам таъминланган оилаларнинг уй-жой, коммунал хизматлари тўловларига, шунингдек, маҳаллани ободонлаштиришга сарифланади. Эндиликда ҳар бир маҳалла ўзининг маданий марказини, гузарини куриб, шу ерда чойхона, новвойхона, дўкон, маиший хизмат шахобчалари, турли спорт ўйинлари масканини барпо этмоқда. Маҳалла кўмитаси ташаббускор жамоат ташкилотидир. Маҳаллада хўжалик-маданий курилиш тадбирларини амалга ошириш, унинг худудини ободонлаштириш, уй-жойларни ва худуддаги шаҳар хўжалигини сақлаш, озодликни таъмин этиш, тартиб-қонидани мустаҳкамлаш ва шунга ўхшаш ишлар учун шароитлар мавжуд. Маҳаллаларнинг аҳамияти мустақиллик шароитида кун сайин ўсиб бормоқда. Улар мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни таъмин этишда, омма куч ғайратини бунёдкорликка йўналтиришда муҳум аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ташаббуси билан 2003 йил Ўзбекистонда “Обод маҳалла йили” деб эълон қилинди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2003 йил 7 февралда қабул қилган “Обод маҳалла йили” дастурига биноан, маҳалла нуфузини кўтаришга қаратилган муҳим вазифалар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикасида жами 9627 фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият кўрсатади, шулардан 6855 таси юридик шахс мақомига эга²⁹.

Конституциявий асосдан келиб чиқиб, 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги (янги таҳрири) Қонуннинг 1-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тушунчаси қуйидагича таърифланди: “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши – фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир”³⁰. Қўриниб турибдики, мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органлари тизими тушунчаси ва унинг ҳуқуқий мақомлари ривожланган демократик мамлакатлардаги ҳуқуқий мезонлар билан деярли бир хил тарзда белгиланган. Шунинг учун ҳам қисқа давирда яъни мустақиллик йилларида мамлакатдаги маҳаллалар олдинги тоталитар тузумдаги партия ва давлат органларининг халқни мутеликда ушлаб туриш воситаси сифатидаги вазифалари бекор қилиниб, улар тадрижий равишда фуқаролик жамиятининг институти сифатида ривожлана бошлади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органлари яъни фуқаролар йиғинлари тизимининг ўзини ўзи бошқаришга доир ваколатлари икки йўналишни назарда тутди: биринчи йўналиш-маънавий соҳадаги

²⁹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд –Т.: Давлат илмий нашриёти, 2003. 548-550 б

³⁰Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тўғрисида”ги (янги таҳрири) Қонуни. // Маҳалла ўзини ўзи бошқаришни ҳақиқий кафолати. (Қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар тўплами) .-Т.: 1999. 65 бет.

вазифалр бўлиб, уларга халқнинг бир неча минг йиллик тарихидаги ноёб, халқчил анъаналарни, кадриятларни қайтадан тиклаш ва ривожлантиришдан иборатдир. Иккинчи йўналиш-сиёсий вазифа бўлиб, ўзини ўзи бошқариш институтларини ҳозирги давир талабларига мувофиқ тарзда қайтадан тиклаш билан бирга, вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари ваколатларининг бир қисмини ўзини ўзи бошқариш органларига, жумладан, маҳаллаларга беришдир. Ўзини ўзи бошқариш органлари маҳалли ўзини ўзи бошқариш органи сифатида бевосита давлат ва жамият ҳаётига боғлиқ бўлган масалаларни мустақил равишда ҳал қилиш қобилиятини эгаллаши уларнинг фуқаролик жамияти институти сифатидаги мақомини белгилаб беради.³¹

Ўз навбатида Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” ги (янги таҳрири) Қонунидаги 10-ва 11-моддаларда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларига киривчи қонун ҳужжатлари асосида берилган барча иштимой-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий соҳаларга, улар фаолият юритадиган ҳудуддаги ташкилот, муассаса ва корхоналар билан ўзаро муносабатларни мувофиқлаштириш, ташкилий, хўжалик ва бошқа масалаларни ҳал қилишга оид ҳуқуқлар ва ваколатлар аниқ ва равшан ифодаланган³².

Айниқса, ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларига Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи учаска сайлови комиссияларининг аъзолигига номзодларни тегишли округ сайлов комиссияларига тавсия этиш, халқ депутатлари туман, шаҳар кенгаши депутатларига номзодларни кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ номзодлар кўрсатиш учун фуқароларнинг номзодлари бўйича ҳокимиятнинг

³¹ Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. – Т.: Ўзбекистон, 2010. 196-бет

³² Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тўғрисида” ги (янги таҳрири) Қонуни. // Маҳалла ўзини ўзи бошқаришни ҳақиқий кафолати. (Қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар тўплами) .-Т.: 1999. 65-69-бетлар.

тегишли вакиллик органларига таклифлар киритиш тўғрисидаги ҳуқуқларнинг берилиши бу органларнинг фуқаролик жамияти институти сифатидаги ўрнини янада оширди. Бинобарин, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуришда, фуқаролик жамияти институтларининг нуфузини оширишга эътибор қаратилаётган бир пайтда, уларнинг қонуний ваколатларини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, маҳалла фуқаролар йиғини кенгашининг қонунда белгиланган муҳим ваколатлари қуйидагилардан иборат: фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ишини мувофиқлаштиради, хайрия ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликдаги тадбирларни ўтказди; фуқаролар йиғини кенгашининг девонини шакллантиради; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларига уларнинг сайловчилари билан учрашувларини уюштиришда кўмаклашади; оммавий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий, спорт тадбирлари ва бошқа тадбирларни ўтказишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кўмаклашади; хотин-қизларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ҳаётидаги, ёш аввалдони тарбиялаш ишидан мавқеини оширишга қаратилган чоратадбирларни кўради; виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни кўриб чиқади; икки ёшга тўлмаган болалари бор, вақтинчалик ишламайдиган оналарга нафақаларни давлат бюджети маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда тўлайди; маскур ҳудудда яшовчи фуқароларни иш билан таъминлашга кўмаклашади; болалар спор майдончаларини жиҳозлаш, йўл, кўприк, кўча, йўлаклар, коммунал тармоқларни қуриш, қайта қуриш, таъмирлаш ва сақлаш, тарих ва маданий ёдгорликларни таъмирлаш ишларида ихтиёрилик асосида қатнашади, деҳқон ва фермер хўжалиklarини

ривожлантиришга кўмаклашади; тегишли ҳудуддаги ерларда фойдаланиш ва муҳофаза этиш устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.³³

Фуқаролик жамиятини қуришда етакчи аҳамиятга эга бўлган, ўзини ўзи бошқариш органлари яъни, фуқаролар йиғинларига кўплаб ваколатларнинг қонуний асосда берилганлиги уларнинг давлат ва жамият олдидаги вазифаларини, ортишига олиб келди. Бинобарин, 2010 йил 12 ноябирда қабул қилинган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да олти устувор масала қўйилган бўлиб, ушбу масалалардан бири айнан жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари яратиб берилди.

“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғриси”ги (янги таҳрири) Қонунни қабул қилишдан асосий мақсад фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришини таъминлаш ҳамда аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилиш ва фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаоллигининг оширишнинг ҳуқуқий асосини яратишдан иборат. Шунинг билан бир қаторда, Олий Мажлис қабул қиладиган қонунлар лойиҳалари, Конституцияга киритиладиган ўзгаришлар юзасидан ўтказиладиган умум халқ референдумларига таёргарлик кўриш ва ўтказиш, аввало, маҳалла аҳли ва фаоллари томонидан муҳокама қилинади ва кўллаб-қувватланади.

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда аввало, фуқаролик институтларини бу борадаги нуфузини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, фуқаролик институтининг асоси бу ўзини ўзи бошқариш органлари деб қарайдиган бўлсак, ўз ўрнида ўзини ўзи бошқариш органлари бўлган маҳалла йиғинларининг фаолиятини оширишнинг қонуний асосларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Бугун, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуришни стратегик мақсад сифатида олган экамиз, фуқаролик

³³Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. – Т.: Ўзбекистон, 2010. 198-бет

жамиятини шакллантиришда, аввало фуқароларнинг фаоллигини оширишда уларнинг сиёсий, маънавий-марифий, жиҳатдан билимини ошириш бугунги асосий масаласидир.

Фуқаролик жамиятини қуришда, мамлакатда ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий мақомини мустахкамлаш жамиятни эркинлаштириш ҳамда бошқарувни номарказлаштириш омили эканлигига муҳим аҳамият бериш ислоҳотларнинг устувор йўналишига айланди. Бинобарин, маҳалла фуқаролар йиғинларининг фуқаролик жамияти институти мақомига эришишини таъминлашга доир ислоҳотларни чуқурлашиш жараёнлари авж олиб бормоқда. Ўз навбатида ушбу олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида ўзини ўзи бошқариш органларининг мустақиллигини тиклаш, уларни давлатнинг қуйи органлари эмас, балки, фуқаролик жамияти институти сифатидаги фаолиятини таъминлаш фуқаролик жамияти қуришнинг энг асосий кафолатидир. Жумладан, ўзини ўзи бошқариш органлари ўзларининг молиявий асосларига эга бўлиш, шунингдек, давлат маҳаллий ҳокимиятидан мустақил равишда фаолият юритишга эришиш натижасидагина фуқаролик жамиятининг институтига айланиши мумкин. Шунинг учун ҳам ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ва давлат бошқарувидаги ўрнини юксалтириш ҳозирги даврда давлат томонидан олиб борилаётган ислоҳотларнинг муҳим ва устувор йўналишларидан бирига айланди.

Хуласа ўрнида шунини айтиш мумкинки, бугун ўзининг мустақил бошқарув фаолиятига эга бўлиб бораётган фуқаролар йиғинлари, ўзини ўзи бошқариш органлари сифатида фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим институт бўлиб, мустақиллик йилларида ушбу институт фаолиятини янада ривожлантиришга эътибор қаратилди.

Бу борада эса қуйидаги ишларни амалга ошириш орқали ушбу институт фаолиятини янада жонлантириш керак;

- Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда фуқаролар йиғинларида фаолият олиб бораётган мутасади раҳбарларнинг аввало ҳуқуқий ва сиёсий билимини ошириш;

- Фуқаролар йиғинлари бўлган ҚФЙ, МФЙ, ШФЙ ҳамда Овул фуқаро йиғинларининг раислари (оқсоқоллар) ва уларнинг маслаҳатчиларининг маҳаллий ҳокимият органлари билан тенг ҳуқуқлик асосида фаолият олиб боришларининг қонуний асослари ишлаб чиқилганлигини уларга тушинтириб бориш;

- Фуқаро йиғинларида ўзларининг фаолиятини олиб бораётган раис ва маслаҳатчилари учун йилда бир мартаба ўқиш ташкил қилиниб, унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, сенаторларини ва Қуйи палата депутатларини ҳамда етакчи профессор – ўқитувчиларни жалб этиш даркор;

- Фуқаро йиғинлари оқсоқолига сайловлар ўтказилганда номзодларнинг жамиятда тутган ўрни, олиб борган меҳнат фаолиятига қараш билан бир қаторда унинг ахлоқий, маънавий тарбиясига ва билим даражасига, иродасига, дунё қарашига алоҳида эътиборни қаратмоқ керак. Бинобарин, маънан етук ахлоққа эга бўлган инсонгина жамиятни тўғри йўлга бошламоғи ва етаклаши мумкин.

II Боб. Мустақиллик йилларида маҳалла институтининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-марифий, иқтисодий жиҳатдан юксалиши.

2.1. Фуқаро йиғинларининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-марифий жиҳатдан юксалиш.

Ўз фаолиятининг қадимийлиги билан қадимдан Ватанимизда фаолият кўрсатиб келаётган маҳалланинг нуфузи кундан кунга ошиб такомиллашиб бормоқда. Зеро, собиқ иттифоқ даврида маҳалланинг мазмуни ва вазифалари бутунлай издан чиқди. Бу давирда маҳалла ўзининг ҳуқуқий мақомини ёқотиб, ҳуқумрон партия коммунистик партия ташкилотларини қўллаб-қувотлашдан, шунингдек, маҳаллий анъана ва урф-одоблар, одоб-ахлоқ меъёрларини ташвиқот-тарғибот қилиш, шунингдек оилалардаги ўтказилаётган турли кўринишдаги маросимлар ва бошқа тадбирларни ўтказишда кўз қулоқ бўлиб туриш каби вазифани бажариб келди. Ўз ўрнида собиқ иттифоқ даврида қадимдан маънавият, таълим ва тарбия масалаларини ҳал этиб келган маҳаллаларнинг ўрни деярли йўққа чиқарилди.

Мустақиллик даврига келиб ўзларининг қадимий мақомига эриша бошлаган маҳалла фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти сифатидаги мақомини қонуний жиҳатдан тиклади. Фуқаролар йиғинларини айниқса маҳаллалар фаолиятини ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий жиҳатдан ривожлантириш, маҳаллаларда камтаъминланган оилалар, боқучисини ёқатган, ҳамда ёлғиз кексаларни ижтимоий ҳимоя қилишда маҳалланинг алоҳида ўрин тутишига тўхталиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ўзининг “Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиздир” деб номланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузасида, (2006 йил 7 декабрь) қуйидаги фикрларни билдирган: “Жамиятимизда сиёсий барқарорлик ва ижтимоий адолатни қарор топтиришнинг муҳим воситаси

бўлмиш, ҳаётимизда қадимдан ўзини оқлаб келаётган маҳалла идораси бу масалада алоҳида ўрин тутиши ҳақида гапириш ортиқча.

Кенг халқ оммасини давлат ва ҳокимият идоралари билан бамисоли кўприкдек боғлаб турадиган бу ноёб тизим мамлакатимизда ижтимоий муҳофаза сиёсатини амалга ошириш йўлида қўшаётган улкан ҳиссаси билан халқимиз назарида катта обрў қозонаётгани бежиз эмас³⁴. Дарҳақиқат ўзининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-марифий жиҳатидан ривожланиб тарбия масканига айланиб бораётган маҳалла институтининг мустақиллик йилларидаги мавқеига ўзининг “Мустақиллик-эркин ва фаровон ҳаёт” деб номланган китобида тўхталиб ўтган Мунираҳон Қориева шундай ёзади: “Мустақиллик йилларида маҳалла тарихий ва ривожланган мамлакатлардаги тушинчада аниқ белгиланган ижтимоий-демографик, маданий-маънавий ва ҳудудий-маъмурий бирлик сифатидаги мақомига эришиб, у ўз ҳудудидаги фуқаролар ўртасида анъана ва урф-одатлар бирлиги, инсоний, хўжалик, ҳуқуқий муносабатлар бирлигини ташкил этгани ҳолда ўзаро ижтимоий муносабатларни боғлаб туриш воситасига айланди”.³⁵

Дарҳақиқат мустақиллик йилларига келиб, ўзининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-марифий, иқтисодий жиҳатдан ўзининг Қонуний мавқеини қайтадан тиклаётган маҳалла институти фуқаролик жамияти қуришда асосий институтга айланди.

Бугун мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат қуриш жараёнида фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан бири – маҳалланинг ўрни беқиёсдир. Жумладан, маҳалла – бу шарқона “демократия дарсхонаси” ҳисобланади. Мустақиллик йилларида юртимизда 10 мингдан кўпроқ ўзини ўзи бошқариш органлари шаклланган бўлса, улардан 8142 тасини маҳалла фуқаролар

³⁴ Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15 жилд.- Т.: “Ўзбекистон” 2007. – 125 бет

³⁵ Қориева М. Мустақиллик-эркин ва фаровон ҳаёт. –Т.: Янги аср авлоди. 2013. -155 бет

йиғинлари ташкил этади³⁶. Маҳалла мустақил ташкилот сифатида қайтадан мустақамланди ва уларнинг аксарияти ўзининг қадимги номларини ва халқ ўртасидаги обрў-эътиборларини қайтадан тиклаб олди.

Бинобарин, ўзбекистонда бошқарув соҳасидаги марказлаштиришни чеклаш, бу борадаги вазифаларнинг баъзи бир қисмини республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳармиқийёсига ўтказишда маҳалла тизимини шакллантириш масалаларига катта эътибор қаратилди. Бунинг натижасида, марказий давлат ҳокимияти ўз ваколатларини борган сари маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўтказиб бормоқда. Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий соҳаларда кўплаб ислохотлар амалга оширилиб, айниқса ушбу ислохотларнинг асосларидан бўлган фуқаролар йиғинлари фаолиятини янада жонлантириш ва юксалтиришга эътибор қаратилди. Фуқаролар йиғинларининг ўзини ўзи бошқариш орган сифатида фаоллигини ошириш борасидаги олиб борилаётган ислохотларга ўзининг “Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши” деб номланган китобида батафсил тўхталиб ўтган сиёсатшунос олим Муқимжон Қирғизбоев, фуқаролар йиғинларининг ижтимоий-сиёсий фаолиятига тўхталиб куйидагича талқин этади: “XX аср охирида бошланган жамиятнинг сиёсий соҳасини эркинлаштириш мақсадидан келиб чиқиб, маҳалла фуқаролар йиғинларига янги бошқарув ваколатлари берилди. Маҳалла ўз ҳудудида яшаётган фуқароларнинг турли ижтимоий муаммоларини ҳал қилиб беришда бевосита иштирок этиб, у қариялар, фахрийлар, байналмилал-ҳарбийлар, кам таъминланган ва кўп болали оилалар ва ҳар бир фуқаро манфаатларини ҳимоя қилади, маҳалла фаолларини бу соҳадаги фаолиятига бошчилик қилади.

Маҳалла фуқаролар йиғини кенгаши мавжуд қонунчиликка биноан ижтимоий таъминот органлари ва бошқа ҳомий ташкилотлар билан биргаликда ижтимоий ёрдам, кам таъминланган оилалар ва ёлғиз кишиларга

³⁶ Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини ўрганиш бўйича. Ўқув қўлланма.-Т.: “O'qituvchi” -2013.-29 бет.

давлат ва маҳалла фуқаролар йиғини номидан моддий ёрдам ажиратиш ишининг барча ташкилий жиҳатларини амалга оширадилар”.³⁷ Ушбу келтирилган тарифдан ҳам шуни билиш мумкинки, жамиятда яшовчи фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-марифий, жиҳатдан ҳар томонлама баркамол шахс этиб тарбиялашда, энг аввало, ўзини ўзи бошқариш органлари яъни маҳаллаларнинг ҳар томонлама нуфузини кўтаришга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Бинобарин, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида бир талай ишлар амалга оширилиб, мустақиллик йилларида аҳолининг ижтимоий фаровонлигини таъминлаш ва социал соҳани ривожлантириш масалалари фаолиятимизда ҳал қилувчи ўрин эгаллади. Жумладан, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида, юртимизда янги иш ўринлари ташкил этилиб, бандликни таъминлаш ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларига доими равишда эътибор қаратиб келинмоқда.

Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича минтақавий дастурларнинг амалга оширилиши натижасида 2013 йилда қарийб 970 минг киши иш билан таъминланди. Бу иш ўринларининг 60,3 фоиздан ортиғи қишлоқ жойларда яратилди. Бу борада кичик корхоналар, микрофирмалар ва яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш эвазига 480 мингдан ортиқ, касаначиликни кенгайтириш ҳисобидан эса 210 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилган.

2013 йилда яратилган иш ўрнинг қарийб, 50 физдан ортиғини касб-хунар коллежларининг 500 минг нафардан ортиқ битирувчиси ташкил этаётганлиги ва уларни иш билан таъминланг мамлакатимизнинг эртанги куни бўлган ёшларни ўзларининг мустақил ҳаётларини йўлга қўйишлари учун олиб борилаётган кенг кўламлий ислохотларнинг асосидир. Ўз хусусий ишини очиб, бизнес билан шуғулланишга қарор қилган коллеж

³⁷ Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. – Т.: Ўзбекистон, 2010. 200-бет

битирувчиларига 140 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

Мамлакатимизда ижтимоий соҳани ислоҳ этиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тизимида қишлоқ аҳоли пунктларининг қиёфасини тубдан ўзгартириш, намунавий лойиҳалар асосида янги уй-жойлар қуриш, қишлоқда моҳият эътибори билан янги инфратузилмани шакллантириш ҳисобидан қишлоқ аҳлининг ҳаётини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

2009 йилдан бошлаб мамлакатимизнинг 159 та қишлоқ туманида намунавий лойиҳалар асосида 900 дан ортиқ янги уй-жой массивлари барпо этилди, умумий майдони 4 миллион 500 минг квадрат метр бўлган 33 минг 500 дан зиёд якка тартибдаги уй-жой фойдаланишга топширилди. 732 километр асфальт қилинган автомобиль йўллари, мингдан ортиқ ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари барпо этилди.

2013 йилда қишлоқ жойлардаги 353 та массивда умумий майдони 1 миллион 500 минг квадрат метр бўлган 10 мингта шинам уй-жойлар барпо этилди, бу кўрсаткич 2012 йилга нисбатан 17 фоизга кўпдир. Ушбу мақсадлар учун қарийб 650 миллион доллар қийматидаги маблағ йўналтирилди. Бунинг 106 миллион доллари Осиё тараққиёт банкининг кредит маблағларидир.

Қишлоқларимизни обод қилиш, қишлоқ аҳолисининг турар-жой шароитларини яхшилаш бўйича бизнинг бундай тажрибамиз халқаро ҳамжамиятда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ўтган йил апрель ойида Тошкент шаҳрида замонавий уй-жой қурилиши мавзусида ўтказилган халқаро конференцияда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмаси (АСЕАН), ЮНЕСКО ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, дунёнинг 60 дан зиёд мамлакатидан

300 дан ортиқ олим, мутахассис ва экспертлар иштирок этгани бунинг ёрқин исботидир³⁸.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ишлари изчил давом этирилиб, 2014 йилда 388 та массивда умумий майдони 1 миллион 500 минг квадрат метр бўлган 11 мингта намунавий уй-жой барпо этилди.

Зеро, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадидаги олиб борилаётган кенг кўламий ишлар фақатгина қишлоқларда замонавий уй – жой барпо этиш билан чекланиб қолмади. Бинобарин, бу борада Президент Ислам Каримов ўзининг “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” деб номланган марузасида мамлакатимиздаги ҳукумат ва ҳокимликлар раҳбарлари олдида қуйидаги вазифаларни қўйди; “Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари эътиборини бир масалага алоҳида қаратиб айтмоқчиман: қишлоқларимиз аҳолиси нафақат қулай уй-жойларда, айна вақтда барча зарур муҳандислик ва транспорт коммуникацияларига, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларига – тиббиёт, спорт, банк, маиший хизмат кўрсатиш, савдо ва маданият муассасаларига эга бўлган обод посёлкаларда яшаши лозим.

Лўнда қилиб айтганда, янгитдан барпо этилган бундай посёлкалардаги уй-жойларнинг сифат даражаси ва яратилган маиший қулайликлар шаҳардаги шароитлардан асло кам бўлмаслиги керак”³⁹.

Дарҳақиқат мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда ҳамда уларга ҳар томонлама муносиб шароитга эга бўлган турар жойларни қуришда кўплаб ишлар амалга оширилиб, бундай замонавий уйлар Андижон вилоятида ҳам ўтган кенг кўламда қуриб келинмоқда. Жумладан, ушбу қурилишларни биргина Хўжаобод тумани мисолида оладиган бўлсак, 2015

³⁸ Каримов И.А. Ўзбекистон эришган ютуқ ва марралар – биз танлаган ислохотлар йўлининг тасдиғидир. 22 – жилд – Т.: “Ўзбекистон”. 2014. – 205 бет

³⁹ Ўша жойда.

йил дастурига асосан туманда 3 та масивда жами 50 та намунавий уй-жой қурилиши амалга оширилмоқда.

Жумладан,:

1. Ўзбекистон массиви (Бобур МФЙ)да 25 та
2. Ўзбекистон массиви (Жомеъ МФЙ)да 10 та
3. Дўстлик массивида (Ордай МФЙ)да 15 та

Бугунги кунда 2015 йил дастурига мувофиқ қурилиш белгиланган намунавий уй-жойларни қуришда ўтказилган тендир ғолиблари “Илдиз ва Сапфир садаф сервис” МЧЖ, “Фидокор имконияти” МЧЖ, “Кўхинур мадад хамроҳ” МЧЖ лар томонидан қурилиши ишлари амалга оширилмоқда.

Ушбу Пудратчи қурувчи ташкилотлари томонидан бугунги кунда қуйдаги ишлар амалга оширилган.

Шундан:

Ўзбекистон массиви (Бобур мфй)да қурилиш ишларини бориши бўйича:

Пудратчи қурувчи ташкилот: Илдиз ва Сапфир садаф сервис МЧЖ (Қўлдошев Сохибжон ва Мамадаев Шерзод) лойиха қиймати: 4 млрд 300 млн сўм ташкил этади. 25 та уйни фундаменти 100% қуйилди, 25 та уйни гишт териш ишлари 100% га бажарилди, 8 та уйларда плита босилди, 25 уйни кўргон девор учун фундамент қуйилди, 4 та уйни кўргон девори урилди ишчилар сони 180 тани ташкил этади.

Ўзбекистон массиви (Жомеъ мфй)да қурилиш ишларини бориши бўйича:

Пудратчи қурувчи ташкилот: Фидокор имконияти МЧЖ (Темиров Шухрат) лойиха қиймати 1 млрд 720 млн сўм ташкил этади. 10 та уйни фундаменти 100% қуйилди, 4 та уйни гишт териш ишлари 100% га бажарилди, 6 та уйни Дархақиқат, ўтган йиллар давомида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида, мамлакатимизда кўплаб ишлар амалга оширилиб, ўз навбатида ушбу ишларни амалга оширишда энг аввало маҳалла фуқаролар йиғинларнинг нуфузини кўтариш, уларнинг ўзини ўзи бошқариш

фаолиятларига кўмаклашиш шунингдек, фуқароларнинг ижтимоий ҳаётидаги фаоллигини ошириш мақсадларида 1992 йил 12 сентябрда Республика “Маҳалла” хайрия жамғармаси ташкил қилинди. Ўз навбатида жамғарманинг фаолиятини кўллаб - қувватлаш мақсадида мақсадларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг мақсус Фармонлари (1992 йил 12 сентябрь ва 1992 йил 8 октябрь) эълон қилинди. Шунингдек, 1992 йил 17 октябрда Вазирлар Мвҳкамасининг “Республика “Маҳалла” хайрия жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга мувофиқ, жамғарма низомида унинг қуйидаги йўналишлари бўйича фаолият юритиши белгилаб қўйилди:

- тарихан шаклланган миллий ва маънавий қадриятларни кенг тарғиб қилиш;

- энг яхши миллий урф-одатлар ва анъаналарни кенг ёйиш, аҳоли ўртасида маданий-маърифий ишларни йўлга қўйиш;

- хайир саховат ва инсонпарварлик, одамлар орасида бир бирини тушиниш ва яхши қўшничилик ғояларини тушинтириш учун фаол тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш;

- кам таъминланган оилалар, ногиронлар, қариялар ва болалар ҳуқуқларини ҳар томонлама ижтимоий ҳимоялаш ва ҳоказо⁴⁰.

Ҳозирда, Қорақалпағистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоятлар ва барча шаҳар ва туманларда жамғарманинг бўлимлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Шунингдек, жамғарманинг асосий мақсади маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва кўллаб-қувватлашдан иборатдир. Жамғарма 1996 йилдан буён ўзининг “Маҳалла” газетасини нашир этиб келади.

Республика “Маҳалла” ҳайрия жамғармаси, унинг вилоят, шаҳар, туман бўлимлари билан ҳокимликлар ҳамроҳлигида ҳар йили “Энг яхши маҳалла”, “Энг ибратли оқсоқол”, “Маҳалла жонқуяри”, “Энг тадбиркор

⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 й. 17 октябрдаги “Республика”Маҳалла” хайрия жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги қарори. // Маҳалла: ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқий кафолати (Қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар тўплами). –Т.: 1999. 87-89-бетлар.

маҳалла оқсоқоли” шиори остида муттасил кўрик-танловлар ўтказиб туриш анъанага айланди⁴¹.

Ўзини ўзи бошқариш органлари бўлган фуқаролар йиғинларининг фаолиятига ўхталганда энг аввало, Андижон вилояти маҳаллаларида ҳам бугунги кундаги ижтимоий – сиёсий, маънавий – маърифий соҳаларда кўплаб ишлар олиб борилмоқд.

Жумладан, Андижон вилоятида бугунги кунда шаҳар-қишлоқ фуқаролар йиғинлари 97 та, улардаги маҳаллалар 867 тадир. Андижон шаҳрида 74 та, Хонобод шаҳрида 2 та, Андижон туманида 10 та, Асака туманида 8 та, Балиқчи туманида 9 та, Бўз туманида 3 та, Булоқбоши туманида 5 та, Жалақудуқ туманида 8 та, Избоскан туманида 9 та, Улуғнор туманида 4 та, Кўрғонтепа туманида 5 та, Марҳамат туманида 5 та, Олтинкўл туманида 8 та, Пахтаобод туманида 5 та, Хўжаобод туманида 4 та, Шаҳрихон туманида 12 та шаҳар ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатмоқда³. Эндиликда маҳалла ҳаётининг энг қайноқ нуқтаси, жамият аҳолисининг турли тоифалари манфаатларини уйғунлигини таъминлайдиган, фуқароларнинг кундалик ҳаётида хилма-хил масала ва муаммоларни биргаликда ҳал қилинадиган обод бир маскандир. Маҳалла бошқарув шаклларида биридир. У орқали фуқаролар ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий жараёнларда фаол иштирок этмоқда. Истиқлол йилларида Андижон маҳаллалари ҳудудида жами 721 та замонавий жиҳозланган маҳалла гузари бунёд этилди. Улар маҳалла ҳаётида муҳим ўринга эгадир. Фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлигини ошириш, аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини таъминлашда ҳам уларнинг хизмати каттадир.

Учрашувлар ва мулоҳазалар, кундалик тадбирлар, жонли суҳбатлар, шахмат ва шашка мусобақалари, долзарб мақолалар бўйича фикр алмашувлар, шеърхонлик ва китобхонлик, санъат кечалари ўтказилмоқда. Бу

⁴¹ Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. – Т.: Ўзбекистон, 2010. 201-бет

ўринда Андижон шаҳридаги Мирпўстин, «Шўрбулоқ», Андижон туманининг «Шарқ юлдузи», Чўлпон, «Хартум», Булоқбоши туманидаги «Ширмонбулоқ», Асака шаҳридаги «Дўстлик», Олтинқўл туманидаги Қайирма маҳаллалари гузарлари, замонавий биноси, маҳаллаларининг саранжом-саришталиги фуқароларнинг ахиллиги ва фаоллиги билан, ўз фаолияти билан ўзгаларга ибрат бўлмоқда.

Давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказилаётган ҳар йилги фуқаролар йиғини фаолиятига оид ўнлаб кўрик-танловлар, спорт мусобақаларида Андижон шаҳридаги Имом Бухорий номидаги маҳалла оқсоқоли Муҳаммаджон Исмоилов, Соё маҳалла оқсоқоли Алижон Маҳмудов, Андижон туманидаги «Қайрағоч» маҳалласи оқсоқоли Муҳаммаджон Тўйчиев, Асака шаҳридаги Улуғбек номидаги маҳалла раиси Кимёхон Камолова, Булоқбоши туманидаги Янгиариқ маҳалласи раисаси Оминахон Раззақова, Марҳамат туманидаги Мингтепа маҳалласи раисаси Хайрихон Эгамбердиева фаоллик билан қатнашдилар.

Маҳалла фаолларидан Ватанимизнинг юксак ордени ва медаллари бўлмиш «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан Жалакудук туманидаги Усмонжон Каримов, «Дўстлик» ордени билан Андижон туманидан Икромжон Ашрабиев, «Шухрат» медали билан Хўжаобод туманидан Раънохон Мадраҳимова, Балиқчи туманидан Комилжон Ҳайдаровлар тақдирланганлар.

Жалакудук туманидаги Тешиктош қишлоғи фуқаролар йиғини раисаси Арофатхон Икромова ҳам ана шундай фидойи инсонлардан. Бу қишлоқда бешта маҳалла бор, чиройли, шинам гузарлар шаҳар маҳаллаларидаги гузарлардан кам жойи йўқ. Андижон маҳаллаларига тадбиркор ва хунармандлар яқиндан кўмак бермоқда. Ҳар қайси маҳалла фуқаролар йиғинининг ўзига хос ишлаб чиқариш ва хизмат инфратузилмаси бор.

Андижон шаҳридаги 73 нафар маҳалла фуқаролар йиғинига Бобур номидаги Андижон давлат университетининг 73 профессор-ўқитувчилар, кафедра мударлари, деканлар, проректорлар бириктирилган бўлиб, улар

маҳалла фуқаролар йиғинлари раҳбарияти билан ҳамкорликда маҳаллаларда ижтимоий сиёсий, маданий-маънавий, мафкуравий соҳаларда тизимли, мунтазам иш олиб бормокда⁴².

Мустақиллик йилларида Андижон вилоятининг кўплаб туманлари катори Хўжаобод туманидаги фуқаролар йиғинларида ҳам, маънавий-маърифий ва ижтимоий соҳаларда кўплаб ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, маънавият тарғибот маркази туман бўлими, ўрта махсус, касб-хунар таълими, маданият ва спорт ишлари бўлими, “Камолот” ЁИХ, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлимлари, тумандаги корхона, ташкилот, муассаса ва идоралар томонидан белгиланган чора тадбирлар ҳамкорликда бажариб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг **“Юксак маънавият – енгилмас куч”** ва **“Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”** китобларининг мазмун ва моҳиятини тумандаги, фуқаролар йиғинларида, маҳаллаларда, мактаб ва туманнинг 5 та коллежларда ҳамда туманда жойлашган давлат ва жамоатчилик ташкилотларида Қишлоқ Қурилиш Банк, Буюм бозори, Дехқон бозори, туман Газ филиалларида мустақилликка еришкунга қадар қандай тўсиқарга учраганлиги ва мустақилликка еришган даслабки кунларданок, фуқароларга берилган виждон эркинлиги, диний бағрикенгликдан ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга оширмоқчи бўлган бир гуруҳ диний экстремистик кайфиятдаги радикал жиноий гуруҳлар томондан Ўзбекистонни ислом халифалиги давлатига айлантиришга уринганликлари ва ушбу мақсадда Наманган вилоятининг собиқ хоқимлик биносини босиб олиб Президент билан кўришишни талаб қилганда ҳам ҳеч иккиланмай кириб йигирма мингдан зиёд жиноятчиларга қарши бир ўзи бахслашганлиги ҳақида ёшлар онгига сингдирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва

⁴² Шамсутдинов Р., Исҳоқов А. Андижон тарихидан лавҳалар. -Т.: “Sharq” нашриёти. 2013.-428бет

Сенатининг қўшма мажлисидаги **«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»** мавзuidaги маърузаси мазмун-моҳияти, мақсад-вазифаларини кенг тарғиб этиш мақсадида барча маҳалла фуқаролари йиғини маслаҳатчилари ўртасида очик мулоқот ўтказилди. Биз аввало мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун одамларни онгини, қалбини ўзгартирмасдан туриб биз фуқаролик жамиятини қуро олмаслигимизни уқтирдик. Фуқаролик жамияти қачон инсонлар ўз ҳуқуқ ва мажбурятларини англаб етганда ва ундан фойдалана олгандагини фуқаролик жамияти қуриш мумкинлигини тушунтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 5 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги **“Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш - бош мақсадимиздир”** номли маърузасининг мазмун-моҳиятини ўқиб-ўрганиш масаласи юзасидан туман халқ таълими фаоллар залида туманнинг барча мактаб директорлари ҳамда коллеж директорлари ва 10 нафар МФЙ фаоллари билан биргаликда учрашув ташкил етилди. Учрашувни 21 мактаб тарих ўқтувчиси Р.Назаров тарғибот ишларини олиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2014 йилнинг асосий яқунлари ва 2015 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси мазмун-моҳияти, асосий йўналишлари, жамиятимиз тараққиёти ва фуқаролар онг-тафаккурини ривожлантиришдаги аҳамиятини кўрсатиб беришга қаратилган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий учрашув ўтказилди. Учрашув ҳокимият катта мажлислар залида ўтказилиб бунда 170 дан зиёд ташкилот муассаса ва

маҳалла рислари иштирок етди. Учрашувга вилоят маънавият тарғибот маркази рахбари А.Исроилов рахбарлик қилди.

Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, янги таҳрирда ва янги қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти, асосий йўналишлари, жамиятимиз тараққиёти ва фуқаролар онг-тафаккурини ривожлантириш мақсадида коллеж талабалари ўртасида “Сиз қонунни биласизми” шиори остида беллашув ўтказилди. Беллашувда Тиббиёт коллежи талабалари туман босқичида ғолибликни қўлга киритиб минтақа босқичига йўл олдилар.

Маънавият тарғибот маркази туман бўлими ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда **«Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури** тегишли жойларда ижросини таъминлаш мақсадида тушунтириш ишлари олиб борилиб дастур иш режалари жойларга тарқатилди.

Маънавият тарғибот маркази бўлими туман хотин-қизлар қўмитаси, туман халқ таълими, ўрта махсус, касб-хунар таълими, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт ишлари бўлимларлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, “Нуроний” жамғармаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимлари, туман ҳокими, тегишли ташкилот ва идоралар, туман “Ҳақиқат” газетаси, ҳамкорликда туманда 1941 – 1945 йилларда урушда қатнашган уруш фахрийлари ғалабанинг 70 йиллик ордени ва 700 минг сўмлик пул маблағлари ҳамда туман хокимининг совғалари билан тақдирландилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 мартдаги “Ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 130-сон қарорини бажариш доирасида **“Ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастлик ва миссионерликнинг олдини олиш борасидаги ишларнинг самарадорлигини янада оширишга қаратилган чора-тадбирлар”** Дастури ижросини таъминлаш мақсадида режа тадбирлар ишлаб чиқилди. Биринчи кесимда Тиббиёт коллеж, Кишлоқ хўжалиги коллежи, Педагогика коллежи, Транспорт коллеж талабалари

ўртасида учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилди. Иккинчи кесимда эса мактаб ва МФЙлар ўртасида ташкил этилди.

Туман “Ҳақиқат” газетаси томонидан туманда амалга оширилаётган маънавий-марифий ишлар бўйича 4 ой давомида 52 та мақола чоп этилди.

Юқорида берилган маълумотлардан ҳам шуни англаш мумкинки, бугунги кунда Хўжабод туманидаги ўзини ўзи бошқариш органлари бўлган фуқаролар йиғинларида ижтимоий – сиёсий, маънавий – маърифий соҳаларда олиб борилган ислохотлар республиканинг барча вилоят, туман ва шаҳарларида олиб борилиб, ушбу олиб борилаётган мақсад инсонлар ўртасида ўзаро меҳр - оқибат ва юртга садоқат туйғусини уйғотишдир.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз аҳолисининг қарийб, 60 фоизга яқинини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишлигини инобатга оладиган бўлсак, ушбу ёшларни ҳар томонлама баркамол ва соғлом этиб тарбиялаш бугунинг долзарб масалаларидан бирига айланиб бормоқда. Бинобарин, ёшларни Ватан парварлик руҳида тарбиялашда энг аввало, фуқаролар йиғинларида, маҳаллаларда миллий анъана ва урф – одатларни ҳурмат қилган ҳолда, маънавий – маърифий, ижтимоий – сиёсий соҳаларда олиб борилаётган ишларни янада жонлартириш даркор. Жумладан, ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий – сиёсий, маънавий – маърифий жиҳатдан ривожлантириш орқали ёшларни ҳар томонлама баркамол инсон этиб тарбиялаш орқали соғлом турмуш тарзини шакллантиришга эътиборни қаратмоқ керак.

2.2. Маҳаллаларда тадбиркорликни кучайтириш, иқтисодий фаоллигини оширишда олиб борилаётган ислохотлар.

Мустақилликнинг даслабки кунлариданоқ мамлакатимиз аҳолисининг турмуш тарзини яхшилашга эътибор қаратилиб, ўзини мутлоқ охламай қолган совет иттифоқидан қолган бошқарувдан мутлоқо вос кечган ҳолда тарақиётнинг “ўзбек модели” ишлаб чиқилди. Жумладан, беш тамойилдан иборат бўлган ушбу моделда, кўрсатиб ўтилган бозор иқтисодиётига босқичма босқич ўтиш йўлининг танлаб олинганлиги, тарақиётимизнинг ривожланишига асос бўлди. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида давлатимиз ва халқимиз эришган ютуқ ва марраларимиз хақида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йилигига бағишланган тантанали маросимда қуйидаги фикрларни илгари сурди: “Ўтган даврда биз дуч келган оғир синов ва муаммоларга қарамасдан, мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 5 баробар, аҳоли даромадлари жон бошига ўртача 8,7 баробар ўсганини, мамлакатимиз аҳолиси бу даврда 1,5-марта кўпайиб, 2015-йилнинг 1-январидида 31 миллион 500 минг кишини ташкил етишини инобатга оладиган бўлсак, бундай улкан натижаларга еришганимизни, очиғини айтганда, баъзан тасаввур қилишнинг ўзи ҳам қийин.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 15 фоиздан ошмаслиги, ички қарзимиз умуман йўқлиги, экспорт ҳажми, олтин-валюта захираларимиз барқарор суръатлар билан ошиб бораётганида ҳам еришган улкан натижаларимиз исботини кўриш, кузатиш қийин эмас.

Жаҳон миқёсидаги глобал иқтисодий инқироз ҳали-бери давом этаётганига қарамасдан, дунёнинг санокли давлатлари қаторида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари сўнгги 10-

йил давомида 8 фоиздан зиёд бўлиб келмоқда. Янги – 2015-йилда ҳам ана шундай юксак ўсиш суръатлари кўзда тутилмоқда

Бугунги кунда мамлакатимизда жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида 8 минг 100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Бу 2010-йилга нисбатан 1,6-марта кўпдир.

Иқтисодий демократлаштириш ва еркинлаштириш соҳасига, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини яратишга алоҳида еътибор қаратилди. “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”, “Рақобат тўғрисида”, янги таҳрирдаги “Тадбиркорлик фаолияти еркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун зарур рухсат бериш тартиб-таомилларининг рўйхати ва турлари изчил қисқартирилди.

Кейинги йилларда рухсат беришга оид тартиб-таомилларнинг 160 дан ортиғи ёки 44 фоизи, лицензиялаш талаб қилинадиган фаолиятнинг 19 тури ёки 25 фоизи бекор қилинганини айтишнинг ўзи кифоя, деб ўйлайман. Тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат органларига тақдим етиладиган статистика, солиқ ва молиявий ҳисоботларнинг шакли ва даврийлиги 1,5-2-марта камайтирилди.

Тадбиркорликнинг миллий анъана ва урф-одатларимизга тўла мос келадиган янги шакли – оилавий бизнесни ривожлантириш учун кэнг шарт-шароитлар яратилди”⁴³.

Жумладан, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб, берилиши натижасида мамлакатимизнинг чекка чека қишлоқларида ҳам оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш имконияти тўғилди. Бундай имкониятлардан самаралий фойдаланишда, фуқароларга

⁴³Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қилган маърузаси “Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш – бош мақсадимиздир”- Тошкент. 2014 декабрь.

Ўзини ўзи бошқариш органлари маҳалла фуқаро йиғинларининг ёрдами катта бўлмоқда. Бугунги кунга келиб, мамлакатимиздаги иқтисодий ўсишни яқин ўтмишдаги, иқтисодиётимизга солиштирадиган бўлсак, бу борада кўплб ишлар амалга оширилганлигини кўришимиз мумкин.

Бинобарин, маҳаллаларда тадбиркорликни кучайтириш, хизматлар ва савдо соҳасини ривожлантириш ҳамда кичик бизнес соҳаси орқали янги иш ўринларини барпо этиш:

- маҳаллалар ҳудудида ҳусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни микромолиялаштириш учун иштимоий инвестициялар жамғармаси ташкил этиш;

- маҳалла аҳолисини тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун мамлакатимизда кредит уюшмалари тармоқларини ташкил этиш;

- маҳаллаларда кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун тижорат банкларининг кредит линиялари ва бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан молиявий маблағлар ажиратилишини кенгайтириш;

- маҳаллалар ҳудудида жойлашган ишлаб чиқариш биноларини хунармандчилик устаҳоналари ташкил этиш, халқ хунармандчилиги билан шуғулланиш ва аҳолига турли хизматлар кўрсатиш учун ижара шартлари асосида ажратиш. Маркетинг ва менежмент масалаларида тадбиркорларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш;

- маҳаллалар ва корхоналарнинг ўзаро алоқа ва бир – бирини қўллаб – қувватлаш тизимини барча ҳудудларда жорий этиш⁴⁴. Ўз навбатида мамлакатимиз иқтисодиётининг йилдан – йилга жадал суратлар билан ўсиб бораётганлигига назар соладиган бўлсак, ушбу иқтисодиётнинг ўсишида кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, мамлакат ялпи ички маҳсулотнинг жадал суратлар билан ўсиб боришида хизмат кўрсатишнинг улиши катта дейдиган бўлсак, ушбу хизмат

⁴⁴ Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш-бизнинг бош мақсадимиздир. Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги марузасидаги маърузасини ўрганиш бўйича. Ўқув қўлланма. – Т.: “Oqituvchi” 2013, 89 – б.

кўрсатиш тармоқларининг асосий қисми маҳаллалар ўрамида жойлашганини инобатга олсак, бу борада эса ўзини ўзи бошқариш органларининг фаоллигини янада жонлантириш ва ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Мустақилликнинг даслабки кунлариданоқ мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуришни мақсад қилиб олган бўлсак, ўз навбатида фуқаролик жамиятини шакллантиришда ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ҳар томонлама ислоҳ этишга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу ислоҳотлар самараси улароқ маҳаллаларда яшаётган фуқароларга кенг имкониятлар яратилиши натижасида маҳаллаларда оилавий бизнесни йўлга қўйиш орқалий тадбиркорлик ва миллий хунармандчилик соҳаси кенг ривожланиш натижасида мамлакат иқтисодиётида узиш суратлари кўзга ташланди.

Бинобарин, собиқ иттифоқ таркибидаги Ўзбекистон асосан хом ашё етиштирувчи республика бўлиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш даражаси бўйича энг охириги ўринларда турган. Жон бошига умумий пул даромадлари, чакана савдо айланмаси ва пулли хизмат кўрсатиш бўйича иттифоқ даражасидан жуда паст бўлиб, бу соҳада ўртача кўрсаткич 55-60 фоиздан ошмас эди. Агар 1990 йилларда аҳоли истемол қиладиган ғалланинг қарийб 82 фоизи, гўшт ва гўшт маҳсулотларининг 50, сут ва сут маҳсулотларининг 60, картошканинг 50 фоизи четдан келтирилганлигини алоҳида таъкитлаш жоиз. Импорт таркибида эса озиқ – овқат маҳсулотларининг улуши 70 фоиздан ортиқни ташкил этган.

Ўз навбатида мамлакатимизда экин экиладиган майдонларнинг қарийб 90 фоизига пахта экилганлиги ўша даврлардаги реал ҳолатни акс эттириши мумкин. 1990 йилларда 6 миллион тона миқдорида пахта етиштирилган бўлса, ушбу етиштирилган пахтанинг атига 7 фоизигина ўзимизда қайта ишланган. Саноат соҳаси хом ашё етказиб беришга ихтисослашгани, у асосан пахтачилик соҳасига хизмат қиладиган тармоқлардан иборат бўлгани эса инқирозли вазиятга олиб келган.

Ўзбекистон ана шундай ҳолатда ўз мустақиллик йўлини танлади. Асосий эътибор ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма - босқич шакллантириш, ЯИМ таркиби, саноат ва қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш, ўрта синфни шакллантириш каби вазифаларга қаратилди. Бунинг натижасида мамлакат ялпи ички маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31,1 фоизга ўсди. 1995 йилда ЯИМ нодавлат секторнинг улуши 58.4 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилда ушбу кўрсаткич 82 фоиздан ошди.

Тадбиркорлик субъектларининг солиқ юки (даромадга солинадиган энг юқори солиқ ставкалари) 1992 йилдаги 45 фоиздан – 8 фоизгача, кичик корхоналарнинг ягона солиғи 15.2 фоиздан – 6 фоизгача (саноатда эса – 5 фоизгача) камайтирилди. Бундай берилган имтиёзлар натижасида ҳам 2014 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида 480 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилди. Ушбу кўрсаткич эса мамлакатимизда 2014 йилда яратилган жами иш ўринларининг қарийб ярими деганидир. Бугунги кунда иқтисодиётнинг ушбу соҳасида и билан банд бўлган аҳолининг 76.5 фоиздан зиёди меҳнат қилмоқда.

Хусусий тадбиркорликнинг миллий иқтисодиётимизнинг устунига айланганини мустақиллик йилларида тадбиркорлик фаолиятдан олинадиган даромадлар улуши 10.6 фоиздан 52 фоизга ўсганида ҳам кўриш мумкин. Яқин тарихимизда рўй берган воқия – ҳодисаларни бугунги натижалар билан қиёслар эканмиз, 1990 йилларда саноат ишлаб чиқаришнинг 60 фоиздан зиёди Тошкент шаҳри, Тошкент ҳамда Фарғона водийси вилоятларига тўғри келганини, Қорақалпағистон Республикаси, Сирдарё, Жиззах ва Сурхандарё вилоятларининг умумий улуши атига 9.7 фоизни ташкил этганини алоҳида таъкидлаш лозим. Мустақиллик йилларида эса иқтисодий соҳани ривожлантиришда кўплаб илоҳатлар амалга оширилиб, ушбу амалга оширилаётган ислоҳотларни, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилишни давом тириш ва чуқурлаштириш борасидаги навбатдаги вазифалар

белгилаб олинди. Хусусан иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар сиёсатини олиб бориш, саноатни диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизациялаш, ахборот коммуникация тизимларини кенг жори этиш хисобидан иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширишнинг энг долзарб вазифалари сифатида белгиланди⁴⁵.

Бунга эришиш учун эса хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ривожини йўлидаги барча ғов ва тўсиқларни олиб ташлаш, бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, хусусий мулкдорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда суд органлари ролинини оширишга катта эътибор қаратилди. Тадбиркорларга мамлакатимизда эмин эркин фаолият олиб боришлари учун кенг имониятлар яратилиб берилганлиги натижасида мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятининг бир бўлаги сифатида тараққиётнинг ўзига хос ва мос модели асосида ривожланган давлатлар йўлидан бормоқда. Зеро, мулкдор ва тадбиркорлар, яъни ўрта синиф вакиллари айни кунда нафақат мамлакат балки жамиятнинг бугуни, балки келажакини белгилашда ҳам фаол иштирок этмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустақамланиб бораётганининг ўзи иқтисодиётимизнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Бинобарин, биргина 2013 йилнинг ўзида мамлакатимизда қарийб, 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти сони йил охирига келиб 190 мингга етди. Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 55,8 фоизи айни шу соҳада ишлаб чиқарилмоқда. Ваҳоланки, 2000 йилда бу кўрсаткич 31 фоиздан иборат эди.

Айни пайтда ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотларининг 23 фоизи, кўрсатилаётган бозор хизматларининг деярли барчаси, маҳсулот экспортининг 18 фоизи, иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келмоқда⁴⁶.

⁴⁵ XXI аср ижтимоий – сиёсий газета. 2015 йил 12 март, 11(591) – сон. 2 бет

⁴⁶Каримов И.А. Ўзбекистон эришган ютуқ ва марралар – биз танлаган ислохотлар йўлининг тасдиғидир. 22 – жилд – Т.: “Ўзбекистон”. 2014. – 186 бет.

Ана шу рақамлардан кўриниб турибдики, кичик бизнес шаклан кичик бўлишига қарамасдан, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришда тобора катта роль ўйнамоқда.

Мамлакатимизни иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш тарзини янада яхшилаш мақсадида кенг кўламий ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, ушбу амалга оширилаётган ислохотларни биргина Хўжаобод тумани мисолида олиб қарайдиган бўлсак, қуйидаги рақамларни кўришимиз мумкин: “2015 йилнинг 1-чорагида туманни ижтимоий - иқтисодий ривожлантиришнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2015 йил 16 январдаги мажлисида белгилаб берилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”.

Хўжаобод туманида иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган мақсадли дастурларда белгиланган вазифаларни амалга оширилиши натижасида қатор ижобий кўрсаткичларга эришилди.

Туманда 2015 йилнинг 1-чорагида 30 млрд 201 млн сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. 2014 йилнинг шу даврига нисбата 116.1 фоизга бажирилган

Асосий капиталга киритилган инвестициялар хажми 7 млрд 300 млн сўмни ташкил қилди ёки ўтган йилга нисбатан 83.1 фоизни ташкил этади. Қурилиш ишлари хажми 4 млрд 506 минг сўм бўлиб 92.8 фоизни ташкил этади.

Чакана савдо айланмаси 44 млрд 418 млн сўмни ташкил этиб, аҳоли жон бошига 411.3 минг сўмга тўғри келди.

Маҳаллий бюджетнинг даромадлар режаси 4 млрд 842 млн 422 минг сўм бўлиб, ҳақиқатда 4 млрд 842 млн 422 сўмга ёки 100 фоизга бажарилишига эришилди.

Туманда ташқи савдо айланмаси ҳажми 1073 млн, 961 минг АҚШ долларини, шундан экспорт 777 млн 312 минг долларни, имборат 296 млн 604 млн сўмни ташкил қилди.

Шунингдек, 6 млрд 705 млн сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 104,6 фоизни ташкил этмоқда. Жорий йилнинг 1-чорагида туманда 57 минг тонна сабзавот 123.9 фоизни, 1 минг 227 тонна гўшт 102.1 фозни, 3 минг 174 тонна сут 96.3 фозни ташкил этади, бундан ташқари 2 млн 451 минг дона тухум етиштирилди.

Мустақиллик йилларида аҳолини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан кўллаш, фуқароларга муносиб бўлган турмуш тарзини яратиш мақсадида қилинаётган ишлар самараси улароқ, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка катта имкониятлар очиб берилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда эса, аввало, жамоатчилик институтларининг бу борадаги ролини янада такомиллаштиришга эътибор қаратилди. Бинобарин, оилавий бизнесни юргизишда, бугунги кунда вақтинчалик ишламаётган хотин – қизларни ишбилан таъминлашда, касаначиликни ривожлантиришга катта эътибор берилди. Жумладан, Андижон вилоятининг шаҳар туманларида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга эътибор қаратилиши натижасида вилоятимиз аҳолисининг ижтимоий турмуш даражаси яхшиланиш билан бир қаторда, шаҳар туманларда кўплаб қурилиш ишлари амалга оширилиб келинмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришда ўзини ўзи бошқариш органлари бўлган фуқаро йиғинлари ва улар таркибига кирувчи маҳаллалар фаолиятини Хўжаобод тумани мисолида юқорида кўрсатиб ўтилган малумотлардан ҳам билиб олишимиз мумкин.

Бугунги кунда Республикаимизда жойлашган қарийб ўн мингга яқин ўзини ўзи бошқариш органлари яъни фуқаролар йиғинлари негизидаги маҳаллаларда илгари қурилиб фойдаланмай қолган бўш биноларни қайта таъминлаш, маҳалла гузарини ташкил этиш орқали гузарларда сартарошхона,

нонвойхона, чеварчилик, косибчилик сингари устахоналарни очган ҳолда маҳаллада вақтинча ишсиз юрган ёшларни ишбилан таъминлаш;

- тадбиркорлик билан шуғунланишни олдиға мақсад қилиб олган ёшларни ҳар томонлама қўллаб қуватлаш;

- Ёшларға имтиёзли банк кредитларини олишда маҳаллаларнинг фаоллигини ошириш;

- Камтаъминланган оилларға қора мол ва товук олишларида маҳалла фаоллари жомбозлик кўрсатган ҳолда уларға ҳар томонлама кўмаклашиш;

- Маҳаллалар ҳудудида илгари қурилиб эндиликда фойдаланмай келинаётган биноларни тадбиркорға ва хунармандға бериш орқалий маҳаллани обод этиш;

- Маҳалла гузарларини ободонлаштиришда тадбиркорлар меҳнатидан самарали фойдаланган ҳолда кичик ишлаб чиқариш устахоналарини ишға тушириш. Яқдил қилиб айтганда мамлакат иқтисодиётини янада кўтаришда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишни олдиға мақсад қилиб олган ёшларни ҳар томонлама қўллаб қуватлашда маҳаллаларнинг нуфузини ошириш бугунинг долзарб вазифаларидан биридир.

III Боб. Ёшлар тарбиясида маҳалла институтларининг роли ва ўрни.

3.1. Ёшларда маънавий ахлоқий тарбияни шакллантиришда таълим ва маҳалла бирлиги.

Ёшлар салоҳиятини рўёбга чиқариш ва уларни ижтимоий ҳимоялаш жараёни Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунларидаёқ Президент Ислам Каримов ёшларни ҳар томонлама ҳимоялаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, куч-ғайрати ва салоҳиятини бунёдкорлик ишларига йўналтириш, баркамол инсон бўлиб камолга етишишлари учун шарт-шароитлар яратиш йўлини тутди.

Бинобарин, Президентимиз мустақилликнинг даслабки кунлариданоқ ҳар томонлама баркамол комил инсонни тарбиялашда энг аввало таълим – тарбиянинг ўрнига алоҳида тўхталиб қуйидаги фикрларни илгари сурган; “Ёшларга миллий ватанпарварлик руҳида таълим – тарбия бериш, улар ҳақида ғамхўрлик қилиш бугунги куннинг жиддий вазифаларидан бири ҳисобланади. Аммо вилоят мактабларида, ҳунар – техника билим юртларида ва мактабгача тарбия муассасаларида ўқув машғулотларини ўтказишда эскича усулдан ҳамон воз кечилмаяпти”⁴⁷. Дарҳақиқат, мамлакатимизда мустақилликнинг даслабки кунлариданоқ ёшлар муаммоси етакчи ўрини касб этиб, бу борада бир талай ишлар амалга оширилди. Айниқса ёшларга таълим – тарбия беришнинг қонуний асослари ишлаб чиқилди.

Хусусан, 1992 йилда қабул қилинган Конституциямизнинг 41-моддасида «Ҳарким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир», 42-моддада эса «Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлига, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади»⁴⁸ каби

⁴⁷ Каримов И.А. Биздан озов ва обод Ватан колсин. – Т.: “Ўзбекистон” 1994. – 210 б.

⁴⁸ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 9 – 10 – б.

қоида ва тамойилларнинг белгилаб қўйилиши натижасида ёшларни баркамол инсон бўлиб етишиши учун барча ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилди.

1991 йил 20 ноябрда «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Унинг 1-моддасида ёшларга оид давлат сиёсатининг мақсади ва қоидалари қуйидагача ифодаланади: «Ёшларга оид сиёсат Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни қафолатлашдан иборатдир».

Қонун давлатнинг мамлакатдаги ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини таъминлашдан ташқари, уларнинг ишлаши, илм олишини, ўз салоҳиятини ўстиришни ҳимоясига олади. Шу билан бирга, қонуннинг мазкур моддасида ёшларни демократик қадриятлар руҳида шаклланишининг муҳим ҳуқуқий асослари мужассамлашган. Айниқса, ёшларнинг ҳуқуқлари билан улар бурчларининг бажарилиши ва амалиётининг ўрнатилиши ўз ифодасини топган. Шунингдек, 5-моддада «ёшлар номидан уларнинг жамоат бирлашмалари ёшларга оид давлат сиёсатининг субъектлари» эканлигининг тан олиниши ёшлар ташкилотларининг нафақат жамиятда, балки давлат органлари билан бўлган муносабатлари ва алоқаларида ўзаро тенглик принципларига амал қилишини таъминлаб бериши мумкин бўлган қоидадир.

Ёшлар ташкилотларини тузишда қонуннинг 19-моддаси муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унда республикада фаолият юритиши мумкин бўлган жамоат бирлашмаларининг асосий мақсадлари ва уларни эътироф этиш принципи ифодалабдн. Шунингдек, аҳолининг 30 ёшгача бўлган қисмини ёшлар қаторига қўшишнинг аниқ кўрсаткичи ўрнатилди. 19-моддада тузилажак ташкилотларнинг асосий мақсади этиб республика ёшларини фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳаётда амалга ошириш, шунингдек, уларнинг ўз

фаолиятларини ўзлари ташкил этиши ва фаоллигини оширишини ривожлантиришдир,⁴⁹ деб белгиланди. Албатта, бу модда кейинчалик мамлакатда ўнлаб ёшлар ташкилотлари ва уларнинг бўлимларини очишнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилди. ҳаётга тадбиқ этолмади.

1996 йилнинг 17 апрелида Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси тўғрисида»ги Фармони асосида янги ёшлар ташкилоти шаклланди. Жамғармага ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши, чуқур билим, касб эгаллаши, ўзларида юксак маънавият, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик фазилатларини ҳосил қилиши, уларнинг истиқлол ишининг изчил давомчилари бўлиб етишишларида кўп қиррали ёрдам кўрсатишни ўзининг дастурий вазифаси қилиб белгилаганлиги маъқулланди. Шунингдек, жамғарманинг ёшларни ижтимоий жихатдан муҳофаза этиш ишларида қатнашиш, уларнинг билим олиш, меҳнатқилиш, сиёсий ва бошқа конституциявий ҳуқуқларини тўла амалга ошира олишлари учун шарт – шароит яратиш, ёшларда умуминсоний қадриятлар, миллий ахлоқ, одоб, демократик йўналнишларни такомиллаштириш асосида баркамол маънавий хислатлар, юртга муҳаббат, Ватанга садоқат, миллатлараро дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш учун зарур муҳит ва шарт-шароитнинг яратилишига кўмаклашиш вазифалари белгиланди. Лекин жамғарма ҳам ўзининг низомий мақсадларини бажара олмади. Жамғарма раҳбариятида ҳам сусткашлик кайфиятлари ҳукмрон бўлиб, «Камолот»га ёшларнинг ижтимоий ташкилоти сифатида эмас, балки оддий бир жамғарма сифатида қарашлар асосида фаолиятюретишга мойиллик кучли бўлди. Ҳатто жамғарманинг бутун фаолиятида унинг дастури ҳам ишлаб чиқилмади. Ёшлар томонидан таклиф этилган дастурлар эса «жамғармага дастурнинг кераги йўқ», деган жавоб билан радэтилди. Натижада жамғарма мамлакат ёшларига етакчилик қилиш, жуда бўлмаганда ёшлар ишларини мувофиқлаштириш қобилиятига эга ташкилот даражасига

⁴⁹ Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Қонуни//Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, 2-сон, 80 модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1998 йил. 5-6-сонлар, 102-модда; 2004 йил. 5-сон, 90-модда; 2005 йил. 1-сон 18-модда.

кўтарила олмади. У ёшлар ўртасида маънавий ва маърифат ишларини мувофиқлаштириш вазифасини ҳам бажара олмади.

Президентимиз «Камолот» жамғармасининг беш йилга яқин фаолиятини таҳлил этган ҳолда уни қуйидагича баҳолаган эди: «Жамғарманинг 57 киши ишлайдиган марказий идораси, вилоят, шаҳар, туман бўлимлари, жойларда, корхона ва олий ўқув юртларида жамоатчилик асосида фаолият юритадиган шахобчалари бор. Уларнинг молиявий манбаи асосан жамғарма ихтиёридаги биноларни ижарага беришдан келадиган маблағлардан иборат. Дейлик, ана шу қуйи ташкилотлар бугун бирон-бир ёрдам сўраб келса, «Камолот»нинг марказий идораси уларга қандайдир амалий кўмак бера оладими? Афсуски, йўқ. Чунки жамғарма фаолияти, шуни ҳам тан олишимиз керак, ўз ҳолига ташлаб қурилган, ешларни юксак мақсадларга даъват этиш, маънавий-маърифий тарбия ишлари бир четда қолиб кетган. Ўз вақтида бу ташкилот сиёсатдан ҳоли, яъни жамғарма сифатида тузилган эди. Бундан кўзланган мақсад — эски комсомол тизими, умрини ўтаб бўлган коммунистик мафкура асоратларидан ёшларни халос қилиш эди. Бироқ бу жамғарма мамлакатимиздаги ижтимоий жараёнлардан, таълим-тарбия ишларидан, маънавий ҳаётдан, умуман, бугунги бошимиздан кечираётган муаммолардан бутунлай четда туради, дегани эмаску!»

Мустақиллик йилларида маънавий-маърифий соҳада амалга оширилган ислохотлар самараси ўлароқ мамлакатимиз ёшлари ижтимоий жиҳатдан фаоллаша бошлади. Ёшлар ўртасида уларнинг номидан ва хоҳиш-иродаси асосида иш юритиб, ёшлар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қиладиган, ёшларни соғлом турмуш талаблари асосида ҳаракатга келтирадиган ташкилот сафларида бирлашиш истаклари туғилди. Ўтган асрнинг 90-йиллари охирларига келиб ёшлар ташаббуси билан мамлакатдаги ёшлар манфаатлари ва эҳтнёжларини қондириш мақсадларини кўзлаган янги ташкилот тузиш бўйича ташаббус гуруҳи ташкил этилди.

Ҳаракат ташаббускорлари биринчидан, ташкилий жараёнда ёшлар ўз салоҳиятини, табиий соғлом интилишларини рўёбга чиқаришида ташкилот

кандай реал имкониятлар яратиб бера олишини, иккинчидан, ёшлар истиқлол ғояларига содиқ маслакдошлар бўлишлари учун нималар қилиш лозимлигини, учинчидан, табиий туғма етакчилик хусусиятига эга ташаббускор, билимдон, замонавий тафаккурга, яъни ўз тенгдошларини ўз ғояларига ишонтириб, уларни ортидан эргаштира оладиган ташкилотчи сардорларни топиш ва жой-жойига қўйишни, тўртинчидан, ёшларни касб-хунарга йўналтириб, янги иш ўринлари топиб, ҳаётдан ўз ўринларини топишларига кўмак беришни, ижтимоий қўллаб-қувватлашни, ёт мафкуралардан, диний ақидапарастлик ва террорчилик, гиёҳвандликдан ҳимоялашда, шунингдек, ҳаракат Низомида давлат ташкилотлари тарафидан тегишли маблағ ҳамда ташкилий кўмак бериб турилиши, ёш оилаларга амалий ёрдам бериш, «Ёш оила» дастурини ишлаб чиқиб, унинг ижросини таъминлашни, олий маълумотли ёш мутахассисларнинг хизмат пиллапояларидан ўсишига ёрдам бериш ваколату имкониятлари айнан шу ижтимоий ҳаракатга берилиши инобатга олинди.

Президентимиз 2001 йил 24 январь куни Оқсаройда янги ташкилотни ташкил этиш бўйича Ташаббус гуруҳи аъзолари билан учрашди. Ёшлар масалаларига бағишлаб ушбу йиғилишда ёшлар тарбиясига оид вазирлик ва ташкил отлар раҳбарлари иштирок этди. Мамлакатимиз раҳбари ушбу йиғилишда «Камолот» ёшларимизнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин» мавзусида нутқ сўзлади ва у ёшлар ҳаракатини ташкил этиш, ташкилотнинг мақсад-вазифаларини белгилашда муҳим аҳамият касб этди. 2001 йил 25 апрель куни Ўзбекистон Миллий университетининг Маданият саройида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг таъсис Қурултойи бўлиб ўтди. Қурултой ишида жойларда ёшлар томонидан сайланган 600 нафар делегат иштирок этди. Таъсис қурултойида ҳаракатнинг Дастури ва Низоми қабул қилинди. Ҳаракат Дастурида ташкилотнинг ўз олдига қўйган мақсад-вазифалари батафсил ёритилган бўлиб, у ташкилотнинг ёшлар тарбияси борасида сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий, спорт ва жисмоний тарбия, халқаро фаолият соҳаларида амалга оширадиган асосий

йўналишлари белгиланган бешта бобдан иборат эди. Ҳаракат Низоми ташкилот фаолиятини йўлга қўйиш бўйича асосий қоидалар белгиланган ўн бир боб, ўттиз саккизта бандни ўз ичига олганди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати — Ўзбекистон ёшларининг ихтиёрийлик асосида ташкил этиладиган, ўзини ўзи бошқарадиган нодавлат ношароит ташкилотидир.

Ҳаракат фаолиятининг асосий мақсади — ёшларни бирлаштириш, соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш йигит-қизларнинг ўз ақл-заковати, куч-ғайратини тўла намоен этиши, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун шарт-шароит яратиш беришдан иборат, деб белгиланди. Ҳаракатга унинг дастурий вазифа ва мақсадларини ҳамда Нпзом талабларини тан оладиган, уларни амалга ошириш йўлида фаол ҳаракат қиладиган, Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида меҳнат қилиш ва курашишни ўзи учун ҳаётин эътиқод деб билладиган, ўқинишда, меҳнатда, ҳарбий хизматда, жамоатчилик ишларида бошқаларга ўрнак бўладиган, жинси, irqи, миллати, тили, дини, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қоида тариқасида, ўн тўрт ёшдан йигирма саккиз ёшгача бўлган Ўзбекистон фуқаролари аъзо бўлиши мумкинлиги қайд этилди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг энг устувор мақсади Ислам Каримовнинг «Ватан ягонадир, Ватан биттадир» деган ғоясини заминимизда яшаётган ҳар қайси инсон, авваламбор, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз онги ва тафаккурига сиғдириш, унинг ҳаётин эҳтиёжига айлантириш»да, дея қабул қилинди.

Ҳаракатнинг ташкилий тузилиши, таркиби нодавлат ташкилот мақомидан келиб чиқилгани ҳолда, гагҳоягда пухта ҳал этилди, ташкилотда бюрократиянинг авж олишига деярли имкон қолдирмади. Турли соҳаларнинг етакчи мутахассисларидан ташкил топган Маслаҳат кенгаши серқирра ташкилий ишларни амалга ошириши мўлжалланди. Ташкилотнинг таъсисчилари (давлат, таъсисчилар ва ички ҳамда хорижий маблағлар)

аниқланди. Ҳаракат ташкилий тузилмаси, таркиби, аъзолик тартиби ташкилот дастури ҳамда низомига кўра, қуйидагича белгиланди:

-марказий идора, вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари, мактаблар, лицей ҳамда коллежлар, олий ўқув юртлари меҳнат жамоалари, ҳарбий қисмларда бўлим ва бошланғич ташкилотлар;

- мактабларда 1-4-синфлар ўқувчилари (7 дан 14 ёшгача) ҳаракат ҳомийлигидага Болалар ташкилотига бирлашади; 5-9-синф ўқувчилари ҳаракат аъзоси бўлади; ҳарбий қисмларда ёш аскарлар бўлинмаси аъзолари ташкилотга ариза асосида гуруҳ бўлиб киришади;

— ҳаракат таркибига қабул қилиш муайян жамоанинг ўзи ташкилий уюшган ҳолда, бошланғич ташкилот сифатида аъзо бўлади;

— мактаб гуруҳларига ёш фаол ўқитувчи, лицей ва коллежларда, олий ўқув юртлари факультетларида, меҳнат жамоаларида ишлайдиган етакчилар сайланади. Фаоллар жамоатчилик асосида ишлашади.

Ҳар қайси гуруҳ ўз низомига эга бўлиб, етакчи ҳар йили сайланади. Жойларда ўзини ўзи назорат қиладиган, ўзини ўзи бошқарадиган ёшлар гуруҳи — ҳаракатнинг бошланғич ташкилоти ҳисобланади. Ҳозир республикада ҳаракатнинг бўлим ва бошланғич ташкилотлари мавжуд бўлиб, улар ўз сафида минглаб ватанпарвар ва фидойи ёшлар иштирок этади.⁵⁰

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати давлат билан ёшлар ўртасида ўзига хос боғловчи бўғин бўлди. Давлатимизнинг ёшлар сиёсатини уларга, ёшларимизнинг ўйташвишларини, орзу-интилишлари ва муаммоларини давлат ташкилотларига етказиб берадиган, баркамол авлодни тарбияладиган, комил инсонни шакллантирадиган, уларнинг ҳақиқий ҳимоячиси-ю ҳомийси бўлган нодавлат ташкилотига айланди.

— Ҳаракат таркибида унинг ҳомийлиги асосида ишлайдиган, 7-14 ёшгача бўлган ўқувчиларни бирлаштирадиган Болалар ташкилоти тузилди. У ҳаракат Марказий кенгаши томонидан тасдиқланган низом

⁵⁰ Амалга оширилаётган исло=отларимизни янада чуьурлаштириш ва фуьаролик жамиятини ьуриш-ёру-келажагимизнинг асосий омилidir. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини ўрганиш бўйича. Ўқув кўлланма.-Т.: “O'qituvchi” -2014.-89 бет.

асосида фаолият кўрсатиб, ўз фаолиятини тарбиянинг ўзига хос ёндашув ва усулларидан фойдаланган ҳолда, болаларнинг қалби ва онгига ҳаракатнинг асосий мақсад-муддаоларини сингдиришга қаратади. 2001 йил, 25 май куни Болалар ташкилотининг Таъсис йиғилишида ташкилотнинг низоми қабул қилинди ва унинг раҳбар органи Раёсат аъзолари сайлаб олинди. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 30 майдаги «Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш тўғрисида»ги қарори ҳаракатнинг дастури ва низомида белгиланган вазифаларни ҳаётга тадбиқ этишга, ҳаракатнинг молиявий-иқтисодий негизини ва моддий-техник базасини мустаҳкамлашга имконият яратди.

Мамлакатда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришга доир ижтимоий-сиёсий, маънавий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда аввало улкан билим ва салоҳиятга эга бўлган ёшлар кераклигини инобатга оладиган бўлсак, бу борада эса ёшларга таълим ва тарбияни беришда жамоатчилик назоратини, айниқса маҳаллалар фаоллигини ошириш керак. Бу борада эса оила маҳалла ва мактаб бирлиги деб номланган концепция ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу узилмас занжир ёшларга таълим ва тарбия беришда қатта аҳамиятга эга. Зеро, бугун таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратмайдиган бўлсак, бизнинг ёшлар ҳам жаҳон андозалари даражасида билим олган, заковатли, ҳар томонлама баркамол миллий кадрлар бўлиб камолотга етишадилар. Ўз навбатида ёшларимизга таълим ва тарбия масалалари узвий равишда биргаликда олиб борилсагина ёшларимиз Ватанга фидокорона хизмат қиладиган, садоқатли, унинг буюк ва қудратли бўлиши учун қайғурадиган, ўз иқтидори билан она-юртни улуғлашга қодир, истеъдодли йигит-қизлар бўлиб етишадилар. Бундай ёшлардан эса халқ хўжалигининг устувор тармоқларида ишлайдиган салоҳиятлий кадирлар чиқиши мумкин. Мамлакатимизда айни чоғда юксак малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида Президентимизнинг 1997 йил, 7 январда «Иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид»

жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Лекин мазкур жамғарма давлат ташкилоти сифатида фаолият юритиши назарда тутилди. «Умид» жамғармаси бошқа жамғармалардан фарқли ўлароқ, аниқ битта фаолият — энг иқтидорли талабаларнинг чет элларда тахснл олишни давом эттиришларини таъминлаш билан шуғулланади. Унинг йўлланмаси билан минглаб ўзбек йигит-қизлари дунёнинг АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония сингари мамлакатларининг нуфузли илм даргоҳларида билим олдилар.

Мустақиллик йилларида бундай нодавлат тузилмалари тармоғи кенгайиб борди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатидан ташқари яна «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», Улуғбек жамғармаси, Болалар жамғармаси, «Соғлом авлод учун» жамғармаси ташкил топди. «Истеъдод» жамғармасида ҳам минглаб ёшлар ўз илмий ва касбий салоҳиятларини юксалтирдилар. Юртимизда 20 дан ортиқ давлат рўйхатидан ўтган болалар, ўсмирлар ва ёшлар ташкилоти фаолият юритмоқда. Вилоят, туман, шаҳар, ўқувюртлари, корхоналар, ташкилотлар ва бошқа меҳнат жамоаларида минглаб бошланғич ташкилотлар ёшларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларини қондиришга доир дастурий мақсадларни амалга ошириш амалиётида фаол иштирок этмоқда. Собиқ иттифоқ даврида ягона комсомолдан бошқа ёшлар ташкилоти йўқ эканлигини эсласак, бу жуда ҳам катта воқеа эди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ҳомийлигида минглаб ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳияти юксалиб бормоқда, ҳар йили анъанавий тарзда «Келажак овози» республика ёшлар танловининг ўзиёқ энг иқтидорли ёшлар ўз илмий салоҳиятларини янада ривожланти-риши учун йўлланма бермоқда, ҳар йили янгидан-янги номлар кашф қилинмоқда. Улар, шубҳасиз, мамлакатнинг истиқболдаги ривожланиш даври учун юксак ҳисса олишга қобил бўлган асосий интеллектуал салоҳият соҳибларидир. Бугун ёш авлодга бўлган муносабат, уларга нисбатан олиб борилаётган соғлом сиёсаттом маънода келажакги буюк давлат бўлган юртимизнинг тамал тошларидир. Ислохотларнинг дастлабки босқичида давлатнинг ўзи бош

ислохотчи сифатида ёшларнинг жамоатчилик ташкилотларини тузишда ташаббус кўрсатди. Яна шу нарса аён бўлмоқдаки, ёшлар онги ва тафаккури ўзгариб боргани сайин улар ўзларининг талабларига жавоб берадиган, ўзлари учун зарур бўлган ташкилотларни мустақил ҳолда тузиш кўникмаларини эгалламоқда. Давлат ёрдамини кутиш ёки боқимандалнкка берилмасдан ташкилотнинг моддий-техник аҳволини яхшилаш йўллари кидириб топмоқда. Демократик жамиятнинг асосий хусусиятларини қарор топтиришда ёшлар фаоллик кўрсатаётганлиги ижобий бир ҳолдир.

Ёшлар ташкилотларининг фаолият турига назар солар эканмиз, уларнинг ёш авлодни маънавий-маърифий тарбиялаш, ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш, иш билан таъминлаш, турли касбларга йўналтириш, хорижий тилларни, замонавий технологиялар билан ишлашни ўргатиш, қайта касбий тайёргарликдан ўтказиш, ўз қобилиятларини намоён қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш, моддий қўллаб-қувватлаш каби кўплаб йўналишларда самарали фаолият олиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Айниқса, улар ёшлар сиёсатининг муҳим таркибий қисми бўлган маънавий-маърифий тадбирларни амалга оширишда маънавият ва маърифат фаолиятини олиб борувчи ташкилотлар, Езувчилар уюшмаси, хотин-қизлар кўмиталари, «Маҳалла», «Олтин мерос», Амир Темур жамғармалари ва бошқа ташкилотлар билан амалий, узвий ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ёшларни иш билан таъминлашда бошқа жамоат ташкилотлари ҳам фаоллик кўрсата бошлади. Масалан, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, унинг барча қуйи ташкилотлари, «Тадбиркор аёл» ассоциацияси, «Маҳалла» жамғармаси ана шулар жумласидандир. Хусусан, «Тадбиркор аёл» ассоциацияси чет эл инвестицияси ва грантлари, янги технологиялари асосида вилоятларда ёш қизларни бизнес билан шуғулланишлари учун турли касбларга ўқитишни ташкил қилиб келмоқда.

Умуман, давлат бугун ёш авлодни ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тарбиялаш масалаларида уларнинг жамоат ташкилотлари

фаолиятига, ташкилотчилик, ташаббускорлик ҳаракатларига катта умид боғламоқда. Зотан, навқирон авлоднинг самарали, ташаббускор фаолияти мамлакатимизнинг улкан ақлий ва меҳнат захирасига эга бўлган ёшлар салоҳиятини давлатимиз тараққиётини таъминлаш, унинг қудратини мустаҳкамлашга йуналтириш имкониятларини янада кенгайтиради. Ҳозир бу борадаги муаммони факат ёшлар ташкилотларини фаоллаштириш, уларни ҳуқуқий ва молиявий жиҳатлардан мустаҳкамлаш йўли билан ҳал қилиш мумкин эканлиги маълум бўлди. Шунинг учун ҳам бундай ташкилотлар фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида қаралмоқда.

2013 йилда таълим-тарбия соҳасида ислохотларни янада чуқурлаштириш, таълим стандартлари ва дастурларини такомиллаштириш, мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш масалаларига катта эътибор берилди.

Ўтган йили 28 та янги касб-ҳунар коллежи қурилди, 381 та умумтаълим мактаби, олий ўқув юртлари тизимидаги 45 та объект, 131 та касб-ҳунар коллежи ва лицейлар реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди. Шунингдек, 55 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 112 та болалар спорти объекти ва 4 та сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилиб, уларнинг барчаси зарур ускуна ва инвентарлар билан жиҳозланди.

2013 йилда таълим-тарбия тизимини ислоҳ этиш борасида амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар ҳақида сўз борар экан, ўсиб келаётган ёш авлоднинг хорижий тилларни ўзлаштириш даражасини оширишга қаратилган ишларни алоҳида қайд этмоқчиман. Жаҳонда интеграция жараёнлари кучайиб, кундалик ҳаётга компьютер технологиялари ва Интернет кенг жорий этилаётган бугунги шароитда чет тилларни пухта билмасдан ва эгалламасдан туриб келажакни қуриб бўлмаслигини барчамиз яхши англаб олмоқдамиз.

Шуларни инобатга олиб, биз ўтган ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларининг биринчи синфидан чет тилларни ўргатишнинг узлуксиз тизимини жорий этдик.

Барча умумтаълим муассасаларида чет тилларни ўргатиш бўйича 17 мингдан ортиқ ўқув хоналари ташкил этилди. 1-синф ўқувчилари учун чет тиллар бўйича мультимедиа варианты илова қилинган, 538 мингдан зиёд рангли дарслик чоп этилди. 2 минг нафарга яқин чет тили ўқитувчиси тайёрланди ва уларнинг умумий сони 26 минг кишига етди.

Мамлакатимизнинг барча минтақаларида чет тилларни бир хил шароитда ўқитиш, қишлоқ жойларга юқори малакали инглиз тили ўқитувчиларини жалб этиш мақсадида, тариф ставкаларига 30 фоиз қўшимча ҳақ белгиланган ҳолда, уларни моддий рағбатлантириш тизими жорий этилди. Телевидениеда чет тилларни ўргатиш бўйича қизиқарли ўйинлар дастурига эга бўлган махсус болалар маърифий каналлари ташкил қилинди.

Ёшларни иш билан таъминлашда бошқа жамоат ташкилотлари ҳам фаоллик кўрсата бошлади. Масалан, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, унинг барча қўйи ташкилотлари, «Тадбиркор аёл» ассоциацияси, «Маҳалла» жамғармаси ана шулар жумласидандир. Хусусан, «Тадбиркор аёл» ассоциацияси чет эл инвестицияси ва грантлари, янги технологиялари асосида вилоятларда ёш қизларни бизнес билан шуғулланишлари учун турли касбларга ўқитишни ташкил қилиб келмоқда.

Умуман давлат бугун ёш авлодни ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тарбиялаш масалаларида уларнинг жамоат ташкилотлари фаолиятига, ташкилотчилик, ташаббускорлик ҳаракатларига катта умид боғламоқда. Зотан, навқирон авлоднинг самарали, ташаббускор фаолияти мамлакатимизнинг улкан ақлий ва меҳнат захирасига эга бўлган ёшлар салоҳиятини давлатимиз тараққиётини таъминлаш, унинг кудратини мустаҳкамлашга йуналтириш имкониятларини янада кенгайтиради. Ҳозир бу борадаги муаммони фақат ёшлар ташкилотларини фаоллаштириш, уларни ҳуқуқий ва молиявий жиҳатлардан мустаҳкамлаш йўли билан ҳал қилиш мумкин эканлиги маълум бўлди. Шунинг учун ҳам бундай ташкилотлар фуқаролик жамиятининг муҳим институти сифатида қаралмоқда.

Ҳозирги даврда ёшларни иқтисодий ва ижтимоий жиҳатлардан ҳимоя қилиш давлатимизнинг Президент Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган кучли ижтимоий сиёсат юритиш принципининг ҳаётда ифодаланишидир. Айни пайтда мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш мақсадидан келиб чиқиб, келгусида ёшлар ташкилотлари фаолиятларини ҳар томонлама қафолатлаш, янги жамият қуришда уларнинг фаоллигини оширишга доир мақсад ва вазифалар «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» концептуал сиёсий дастурда мужассамлашган бўлиб, ундага йўналишларни амалга ошириш жараёнлари собитқадамлик билан давом этмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон ёшлар ташкилотлари ва ҳаракатлари мамлакатимизда илғор ва ривожланган мамлакатлар тажрибасини қўллашда аввало миллий маънавият ва кадриятларимизга муҳим эътибор қаратиб борди.

— Юртимизда мустақиллик даврнда шаклланган ёшлар ташкилотларининг фаолиятини таҳлил ва тадқиқ этиш шуни кўрсатдики, улар Президент томонидан ишлаб чиқилган тамойиллар асосида ривожланди. Мустақиллик йилларида ёшлар ташкилотларининг уч гуруҳи шаклланди. Биринчиси, ёшлар қатламлари ва гуруҳларига мос бўлган ижтимоий аҳамиятга молик йирик ташкилотлар. Бундай гуруҳ вакилларининг асосий мақсад ва вазифалари бўлиши билан бирга фаолиятларини кенг қўламда ташкил этган ҳолда, ёшларнинг барча масалаларини қамраб олишга интилади. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Соғлом авлод учун», «Умид» жамғармаси, Талабалар жамғармаси, Болалар жамғармаси кабилар шулар жумласидандир. Иккинчиси, ёшларнинг алоҳида қизиқиш ва манфаатларига хизмат кўрсатиш, ижтимоий ҳимоя мақсадида турли муассислар томонидан ташкил этилган марказлар, клублар, маслаҳатхоналар ва бошқалар. «Ёш олимлар» ассоциацияси, иқтисодий таълим беришга асосланган «Ёшлар ютуқлари», имконияти чекланган болаларни қўллаб-қувватловчи «Умидворлик», оила маданиятини ривожлантиришга оид

«Баркамоллик» марказларн, «Аёл ва ёшлар ахборот маслаҳатхоналари» шулар қаторига киради. Учинчиси, сиёсий тизимда ўзига хос бўлган янги ходиса — турли партиялар таркибида ёшларни ўз сафларнга кўпроқ жалб қилиш, мустаҳкам, салоҳиятли ва ишончли резервни шакллантириш мақсадида пайдо бўлаётган сиёсий партияларнинг ёшлар қанотларй, ёш раҳбарлар клублари ва бошқа ҳаракат ҳамда ташкилотларда мавжуд ёшлар билан ишлашга қаратилган ҳар хил тузилмаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

3.2. Соғлом авлодни вояга етказиш ва спорт тўғаракларини ташкил этишда маҳаллаларнинг ўрни.

Юртимизда мустақиллик даврида шаклланган ёшлар ташкилотларининг фаолиятини таҳлил ва тадқиқ этиш шуни кўрсатдики, улар Президент томонидан ишлаб чиқилган тамойиллар асосида ривожланди. Мустақиллик йилларида спортнинг ролини кучайтириш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш бўйича чора тадбирларни амалга ошириш, уларни замон талабларига мувофиқ жихозлаш, юқори малакали педагог ва мутахассислар билан таъминлаш, болаларни мактабга таёрлаш даражасини тубдан ошириш, бошланғич таълим сифатини юксалтириш, илғор педагогик ва ахборот – коммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этиш, соғлом турмуш тарзини фаол тарғиб этиш, болалар айниқса қиз болалар ўртасида жисмоний тарбия ва спортга меҳир уйғотиш бўйича аниқ чора – тадбирларни амалга ошириш “Соғлом бола йили” Давлат доирасида амалга оширилиши лозим бўлган энг муҳим ишлардандир.

Бинобарин, соғлом болани шакллантиришда таълим – тарбия ва ёшлар ташкилотларининг уч гуруҳи шаклланди. Биринчиси, ёшлар қатламлари ва гуруҳларига мос бўлган ижтимоий аҳамиятга молик йирик ташкилотлар. Бундай гуруҳ вакилларининг асосий мақсад ва вазифалари бўлиши билан бирга фаолиятларини кенг кўламда ташкил этган ҳолда, ёшларнинг барча масалаларини қамраб олишга интилади. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Соғлом авлод учун», «Умид» жамғармаси, Талабалар жамғармаси, Болалар жамғармаси кабилар шулар жумласидандир. Иккинчиси, ёшларнинг алоҳида қизиқиш ва манфаатларига хизмат кўрсатиш, ижтимоий ҳимоя мақсадида турли муассислар томонидан ташкил этилган марказлар, клублар, маслаҳатхоналар ва бошқалар. «Ёш олимлар» ассоциацияси, иқтисодий таълим беришга асосланган «Ёшлар ютуқлари», имконияти чекланган болаларни қўллаб-қувватловчи «Умидворлик», оила маданиятини ривожлантиришга оид «Баркамоллик» марказларн, «Аёл ва ёшлар ахборот маслаҳатхоналари» шулар қаторига киради. Учинчиси, сиёсий

тизимда ўзига хос бўлган янги ҳодиса — турли партиялар таркибида ёшларни ўз сафларига кўпроқ жалб қилиш, мустаҳкам, салоҳиятли ва ишончли резервни шакллантириш мақсадида пайдо бўлаётган сиёсий партияларнинг ёшлар қанотлари, ёш раҳбарлар клублари ва бошқа ҳаракат ҳамда ташкилотларда мавжуд ёшлар билан ишлашга қаратилган ҳар хил тузилмаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Мамлакатимизда соғлом турмиш тарзини шакллантириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилиб, асосий эътибор соғлом авлодни тарбиялашга қаратилмоқда. Жумладан, Президентнинг 2002 йил 24 октябрда имзоланган “Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида” ги ҳамда 2004 йил 29 августда эълон қилинган “Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари асосида Вазирлар Маҳкамасининг қабул қилган қарорлари болалар ўртасида спортни оммалаштириш, болалар шуғиланадиган спорт иншоотларининг моддий - техник негизини мустаҳкамлаш ҳамда янги замонавий спорт иншоотлари бунёд этилишига замин яратди. Бунинг натижаси улароқ бугунги кунга келиб мамлакатимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар сони 1,6 миллионни ташкил этади. Болаларнинг 35,6 фоизи спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Ўз навбатида Республиканинг барча ҳудудларида 39 та спорт тури бўйича 35 минг спорт секцияси ташкил этилиб, улардан 3,5 миллион хотин – қизлар шуғулланмоқда.

Шу ўринда, 2003 – 2012 йиллар давомида болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан жами 1375 та иншоот фойдаланишга топширилди. Уларнинг 1114 таси янгидан қурилган бўлса, 4 таси мукамал таъминланиб, яна 257 таси реконструкция қилинди. Файдаланишга топширилган иншоотларнинг жамғарма томонидан 25,8 миллиард сўмлик спорт асбоб – ускуналари билан талаб даражасида жиҳозлангани ва болалар спортига давлат томонидан яратилаётган шарт – шароитлар ёшларда спортга бўлган қизиқишни янада кучайтирмоқда.

Масалан, 2003 йилда жами ўқувчиларнинг атига 20,4 фоизи спорт машғулотларига жалб этилган бўлса, 2012 йил бу кўрсаткич 40,5 фоизни кизлар ўртасида эса бу кўрсаткич 16,4 фомиздан 32,5 фоизга ўсди. Жумладан, кишлоқ жойларда дарсдан ташқари вақтда спорт билан шуғулланувчи болалар сони 2003 йилда 14,7 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2012 йилда 38,8 фоизга ўсди. 2013 йилги маълумотларга кўра, жойларда болалар спортини ривожлантириш мақсадида 57 минг 555 та спорт секцияси ташкил этилган бўлиб, уларга 1 миллион 766 минг 700 нафар бола жалб этилган. 2002 – 2012 йилларда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1113 та болалар спорт объекти, 252 та спорт комплекси, 861 та спорт зали қурилиб, ушбу мақсадлар учун 570 миллиард сўм маблағ йўналтирилди⁵¹.

Мамлакатимизда соғлом аввлодни жисмонан бақувват ва ақлан соғлом этиб тарбиялашда кўплаб ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. Зеро, ушбу ислоҳотларни амалга оширишда, фуқаролик жамияти институтларининг ҳам ҳиссаси катта бўлиб, бу борада ўзини ўзи бошқариш органларининг роли каттадир. Бинобарин, оила, мактаб, маҳалла бирлиги концепцияси асосида ёшларни комил инсон этиб тарбиялашда, маҳалла ва таълим муассасалари билан доимий равижда алоқани ўрнатиш, жойларда болалар учин спорт тўғарақларини жорий этишга эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Соғлом аввлодни вояга етгазишда Андижон вилоятининг Хўжаобод туманида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилиб, жумладан, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда аввало уларни турли кўринишдаги ақида ва бузғинчи ғоялар тасирига тушиб қолишликларини олдини олишга эътибор қаратилиб келинмоқда. Бинобарин, тумандаги маҳаллаларда истиқомат қилаётган кўпни кўрган нуроний оқсоқоллар, диншунос олимлар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ҳамда туман бош имом хатиби,

⁵¹Амалга оширилаётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ыуриш-ёру-келажакимизнинг асосий омилдир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини ўрганиш бўйича. Ўқув кўлланма.-Т.: “O‘qituvchi” -2014.-85 бет.

маънавият тарғибот маркази, “Камолот” ЁИХ билан ҳамкорликда **“Ислом ақидапарастликни қоралайди”, “Ёшлар – диний экстремизмга қарши”, “Диний экстремизм ва террорчилик – жамият барқарорлигига таҳдид”** мавзуларида давра суҳбатлари ўтказилди.

Маънавият тарғибот маркази туман бўлими, туман ҳокимлиги Вояга етмаганлар ишлари бўйича туман комиссияси, туман прокуратураси, туман ички ишлар, халқ таълими, ўрта махсус, касб-хунар таълими бўлими, “Камолот” ЁИХ туман бўлимлари, Вояга етмаганлар ишлари бўйича туман комиссияси, Ўзбекистон Мусулмонлари идорасининг туман вакили, “Соғлом авлод” учун хайрия жамғармаси, туман Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмас, “Нуроний” жамғармаси, “Оила” илмий-амалий маркази, ҳамкорлигида туманда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга катта эътибор бериб келинмоқда. Туман Халқ таълим бўлими, маданият ва спорт ишлари бўлими ва маҳаллалар ҳамкорлигида турли спорт ва мусиқа тўғараклари ташкил этилган бўлиб, булр иккта футбол мактаби, битта белбоғли кураш, бита қизлар учун бадий гимнастика, бокс, китбокс, таквон-до И.Т.Ф сингари спорт тўғараклари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу спорт тўғаракларида тумандаги кўплаб боллар қатнашиб улар Республика ва халқаро ареналарда ўтказилаётган спорт беллашувларида мувофақиятлик қатнашиб келмоқда. Туманда спорт тўғараклари билан бир қаторда болалар мусиқа ва саънат мактаби ҳам фаолият олиб бормоқда.

Маънавият тарғибот маркази туман бўлими, туман соғлиқни сақлаш бўлими, туман хотин-қизлар кўмитаси, ОИТСга қарши кураш маркази, “Камолот” ЁИХ туман бўлимлари ҳамкорлигида тумандаги маҳаллаларда, таълим муассасаларида “Соғлом авлодни вояга етказишга барчамиз масулмиз”, “Ёшлар ОИТС ва гиёҳвантликка қарши” шиори остида кўрик кўрик танлов ташкил этилиб ёшларга ОИТС ва гиёҳвантликнинг салбий оқибатлари юзасидан тушинтириш ишлари олиб борилди.

Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими, вилоят хотин-қизлар кўмитаси, маданият ва спорт ишлари бошқарма, олий ва ўрта махсус таълим

муассасалари, “Олима аёл” уюшмаси, “Камолот” ЁИХ вилоят бўлимлари ҳамкорлигида туман ёшлари билан дойимий равишда учрашувлар ташкил этиб борилиб, ушбу учрашувларда дунё ҳамжамиятида бўлаётган бўҳронли тўқнашувлар ва уларнинг салбий оқибатлари ҳақида тушинчалар бериб борилмоқда.

Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими, вилоят Мудофаа ишлари бошқарма, Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, “Ўзбекнаво” ЭБ, “Камолот” ЁИХ вилоят бўлимлари, МК “Ватанпарвар” ташкилоти вилоят Кенгаши ҳамкорлигида тумандаги маҳаллалар ва таълим муассасалари ҳамкорлигида биз обод юртнинг соғлом авлодларимиз шиори остида спорт ўйинлари ва гала концертлар ташкил этилди. Ушбу тадбирни ўтказилган тадбирдан мақсад эса ертанги куннинг эгалари бўлган биз ёшларни турли кўринишдаги ғоявий тасирлардан сақлашдир.

Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Камолот” ЁИХ, “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси вилоят бўлимлари, олий ўқув юртлари, вилоят халқ таълими, ўрта махсус, касб-хунарга таълими бошқармалари, шаҳар, туман ҳокимликлари

Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқарма, “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси вилоят бўлими, вилоят телерадиокомпанияси, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари

Маънавият тарғибот маркази туман бўлими, туман хотин-қизлар кўмитаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Камолот” ЁИХ, туман маданият ва спорт ишлари бўлимлари, тумандаги корхона, ташкилот ва муассасалар

Маънавият тарғибот маркази туман бўлими, туман маданият ва спорт ишлари бошқарма, “Маҳалла” жамғармаси, “Камолот” ЁИХ, Ёзувчилар уюшмаси туман бўлимлари, тумандаги корхона, ташкилот ва муассасалар

Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими, “Камолот” ЁИХ вилоят бўлими, вилоят халқ таълими, ўрта махсус, касб-хунарга таълими, маданият ва спорт ишлари бошқармалари, олий ўқув юртлари, вилоятдаги корхона, ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликда

Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими, вилоят адлия, халқ таълими, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари, вилоятдаги судлар, олий ўқув юртлари, “Камолот” ЁИХ, “Маҳалла” хайрия жамғармаси вилоят бўлимлари, вилоят телерадиокомпанияси, вилоятдаги корхона, ташкилот ва муассасалар билан биргаликда

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқарма, вилоятдаги корхона, ташкилот ва муассасалар билан биргаликда

Туман “Ҳақиқат” газетаси томонидан туманда амалга оширилаётган маънавий-марифий ишлар бўйича 4 ой давомида 52 та мақола чоп этилди.

Туман маҳаллаарида ёшларни маънавий ва ахлоқий тарбиялашга эътибор қаратилиб, энг аввало ёшлар тарбиясида оиланинг ўрнига алоҳида тўталиб, бу борада маҳалла институтининг фаолиятини янада ислоҳ этиш мақсадга мувофиқдир.

Бу борада қуйидаги ишларни амалга ошириш керак:

- ҚФЙ ва МФЙлар негизида ёшлар муамоси билан шуғулланувчи психологлар штатини жамоатчилик асосида ташкил этиш;
- Тарбияси оғир, оилалари нотинч ёшларни тарбиялашда намунавий оилалар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;
- Болаларни ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда қишлоқ ва овулларда мактабгача таълим муассаларини (баъзи жойларда ушбу муассалар мавжуд эмас) ташкил этиш, мактаб ва ундаги тўғараклар фаолиятини ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан назоратга олиш;
- маҳалалардаги вақтинча ишсиз ёшларни назоратга олиш ва уларни ишбилан таъминлашда кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни кучайтиришга кўмаклашиш;
- Маҳалалардаги кўпни кўрган нуроний оқсоқоллар билан ёшлар ўртасида доимий равишда маънавият кечаларини ташкил этиш.

Хулоса қилиб айтганда, ёшлар тарбиясининг бош ва етакчи асосларининг назарий ва амалий аҳамияти маҳалла институтлари фаолиятига боғлиқ. Зеро, бир болага етти маҳалла ота-она нақлидан ҳам бунинг исботини кўриш мумкин.

Хулоса.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, давлат ва жамиятнинг асосий бўғини оила дейдиган бўлсак, ушбу оилаларни бирлаштириб турувчи маскан бу маҳалла дир. Бинобарин, оилада туғилган фарзанд маънавий жиҳатдан тарбия топип камолотга етишида аввало маҳалланинг ўрни ва роли беқиёсдир. Шундан бўлса керак доно халқимиз, жамиятдаги турли ижтимоий масалаларни ечишда маҳаллага мурожат этиб, қуйидаги пурмано сўзни илгари сурганлар: “Отанг-маҳалла, онанг-маҳалла” ушбу сўзни маносига эътибор берадиган бўлсак, баъзи пайтда оила даврасида хал қилиниши мураккаб бўлган масалалар ҳам учраб қолади. Ана шундай вазиятларда оиланинг маслаҳатчилари бўлган кексалар ўтиб кетган бўлсалар, ушбу масалаларни тинч йўл билан хал этишда ва тўғри йўл кўрсатишда маҳалланинг ўрни беқиёсдир.

Жумладан, бугун ўзининг мустақил бошқарув фаолиятига эга бўлиб бораётган фуқаролар йиғинлари, ўзини ўзи бошқариш органлари сифатида фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим институт бўлиб, мустақиллик йилларида ушбу институт фаолиятини янада ривожлантиришга эътибор қаратилди.

Бу борада эса қуйидаги ишларни амалга ошириш орқали ушбу институт фаолиятини янада жонлантириш керак;

- Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда фуқаролар йиғинларида фаолият олиб бораётган мутасади раҳбарларнинг аввало ҳуқуқий ва сиёсий билимини ошириш;

- Фуқаролар йиғинлари бўлган ҚФЙ, МФЙ, ШФЙ ҳамда Овул фуқаро йиғинларининг раислари (оқсоқоллар) ва уларнинг маслаҳатчиларининг маҳаллий ҳокимият органлари билан тенг ҳуқуқлик асосида фаолият олиб боришларининг қонуний асослари ишлаб чиқилганлигини уларга тушинтириб бориш;

- Фуқаро йиғинларида ўзларининг фаолиятини олиб бораётган раис ва маслаҳатчилари учун йилда бир маротаба ўқиш ташкил қилиниб, унда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, сенаторларини ва Қуйи палата депутатларини ҳамда етакчи профессор – ўқитувчиларни жалб этиш даркор;

- Фуқаро йиғинлари оқсоқолига сайловлар ўтказилганда номзодларнинг жамиятда тутган ўрни, олиб борган меҳнат фаолиятига қараш билан бир қаторда унинг ахлоқий, маънавий тарбиясига ва билим даражасига, иродасига, дунё қарашига алоҳида эътиборни қаратмоқ керак. Бинобарин, маънан етук ахлоққа эга бўлган инсонгина жамиятни тўғри йўлга бошламоғи ва етаклаши мумкин.

Бинобарин, мамлакатимиз аҳолисининг қарийб, 60 фоизга яқинини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишлигини инобатга оладиган бўлсак, ушбу ёшларни ҳар томонлама баркамол ва соғлом этиб тарбиялаш бугунинг долзарб масалаларидан бирига айланиб бормоқда. Бинобарин, ёшларни Ватан парварлик руҳида тарбиялашда энг аввало, фуқаролар йиғинларида, маҳаллаларда миллий анъана ва урф – одатларни хурмат қилган ҳолда, маънавий – маърифий, ижтимоий – сиёсий соҳаларда олиб борилаётган ишларни янада жонлартириш даркор. Жумладан, ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий – сиёсий, маънавий – маърифий жиҳатдан ривожлантириш орқали ёшларни ҳар томонлама баркамол инсон этиб тарбиялаш орқали соғлом турмуш тарзини шакллантиришга эътиборни қаратмоқ керак.

Бугунги кунда Республикамизда жойлашган қарийб ўн мингга яқин ўзини ўзи бошқариш органлари яъни фуқаролар йиғинлари негизидаги маҳаллаларда илгари қурилиб фойдаланмай қолган бўш биноларни қайта таъминлаш, маҳалла гузарини ташкил этиш орқали гузарларда сартарошхона, нонвойхона, чеварчилик, косибчилик сингари устахоналарни очган ҳолда маҳаллада вақтинча ишсиз юрган ёшларни ишбилан таъминлаш;

- тадбиркорлик билан шуғунланишни олдиға мақсад қилиб олган ёшларни ҳар томонлама қўллаб қуватлаш;

- Ёшларга имтиёзли банк кредитларини олишда маҳаллаларнинг фаоллигини ошириш;

- Камтаъминланган оилаларга қора мол ва товуқ олишларида маҳалла фаоллари жомбозлик кўрсатган ҳолда уларга ҳар томонлама кўмаклашиш;

- Маҳаллалар ҳудудида илгари қурилиб эндиликда фойдаланмай келинаётган биноларни тадбиркорга ва хунармандга бериш орқалий маҳаллани обод этиш;

- Маҳалла гузарларини ободонлаштиришда тадбиркорлар меҳнатидан самарали фойдаланган ҳолда кичик ишлаб чиқариш устахоналарини ишга тушириш. Яқдил қилиб айтганда мамлакат иқтисодиётини янада кўтаришда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишни олдига мақсад қилиб олган ёшларни ҳар томонлама қўллаб қуватлашда маҳаллаларнинг нуфузини ошириш бугунинг долзарб вазифаларидан биридир.

— Ўзбекистон ёшлар ташкилотлари ва ҳаракатлари мамлакатимизда илғор ва ривожланган мамлакатлар тажрибасини қўллашда аввало миллий маънавият ва қадриятларимизга муҳим эътибор қаратиб, бу борада қуйидаги ишларни амалга ошириш керак:

- ҚФЙ ва МФЙлар негизида ёшлар муамоси билан шуғулланувчи психологлар штатини жамоатчилик асосида ташкил этиш;
- Тарбияси оғир, оилалари нотинч ёшларни тарбиялашда намунавий оилалар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;
- Болаларни ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда қишлоқ ва овулларда мактабгача таълим муассаларини (баъзи жойларда ушбу муассалар мавжуд эмас) ташкил этиш, мактаб ва ундаги тўғарақлар фаолиятини ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан назоратга олиш;
- маҳалалардаги вақтинча ишсиз ёшларни назоратга олиш ва уларни ишбилан таъминлашда кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни кучайтиришга кўмаклашиш;

- Махалалардаги кўпни кўрган нуроний оқсоқоллар билан ёшлар ўртасида доимий равишда маънавий кечаларини ташкил этиш.

— Хулоса қилиб айтганда, ёшлар тарбиясининг бош ва етакчи асосларининг назарий ва амалий ахамияти маҳалла институтлари фаолиятига боғлиқ. Зеро, бир болага етти маҳалла ота-она нақлидан ҳам бунинг исботини кўриш мумкин.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

Асосий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: Ўзбекистон, 2005.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизлик таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15 жилд.- Т.: “Ўзбекистон” 2007.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон эришган ютуқ ва марралар – биз танлаган ислоҳотлар йўлининг тасдиғидир. 22 – жилд – Т.: “Ўзбекистон” . 2014.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қилган маърузаси “Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш – бош мақсадимиздир”- Тошкент. 2014 декабрь.

Давлат ҳужжатлари:

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон, 2012.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тўғрисида”ги (янги таҳрири) Қонуни. // Маҳалла ўзини ўзи бошқаришни ҳақиқий кафолати. (Қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар тўплами) .-Т.: 1999.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 й. 17 октябрдаги “Республика”Маҳалла” хайрия жамғармаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги қарори. // Маҳалла: ўзини ўзи

бошқариш ҳуқуқий кафолати (Қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар тўплами). –Т.: 1999

Даврий матбуот материаллари:

9. XXI аср ижтимоий – сиёсий газета. 2015 йил 12 март, 11(591) – сон. 2 бет

Қўшимча адабиётлар:

10. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд –Т.: Давлат илмий нашриёти, 2003
11. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8-жилд –Т.: Давлат илмий нашриёти, 2004.
12. Ўзбекистон юридик энциклопедияси.-Т.: “Адолат” 2010.
13. Жалилов Ш. Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ислоҳоти: тажриба ва муаммолар.-Т.,1994.; Ўша муаллиф. Маҳалла янгилиниш даврида. - Т., 1994.; Ўша муаллиф. Маҳалла: ўзини ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий кафолати. - Т., 1999.; Ўша муаллиф. Кучли давлатдан - кучли жамият сари: тажриба, таҳлил, амалиёт. - Т., 2001.
14. Исломов З. Об ўество, государство, право. Тенденции и перспективы к развития. - Т.: Адолат, 1997.
15. Саидов А.Х. Маҳалла ва ўзини ўзи бошқариш органлари: эркинлаштириш ва замонавийлаштириш // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. - Т., 2000. №1.
16. Комилов К. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунни такомиллаштириш зарурлиги тўғрисидаги фикр ва мулоҳазалар // Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида. - Т., 1997.
17. Сувонқулов М. Ўзбекистон Республикасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг назарий - ҳуқуқий масалалари: юрид. фанлари номзоди ... дис. автореф. - Т., 2002.

18. Султонов С. Ўзбекистон Республикаси давлат вакиллик органлари ва фуқароларнинг ўзини - ўзи бошқариш асосларини ўрганувчиларга услубий қўлланма. - Т.: Чўлпон, 1996.
19. Тўлаганов А. Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш. Дарслик. - Т.: ТДЮИ, 2002.
20. Халилов Э. Деятельности Олий Мажлиси по повкшению роли органов самоуправления граждан в строительстве правового гражданского общества // Общественные науки в Узбекистане. 1999. №1-2.
21. Маликова Г.Р. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айрим вазифа ва вазоклатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш (ҳуқуқий, ташкилий масалалар) .Ю.ф.н....дисс. автореф. Т. 2004.
22. Исмаилова Г.С. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий - ҳуқуқий муаммолари. Юрид.фан номзоди... дисс. –Т., 2005.
23. Реймова З.А. Қорақалпоғистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий мақоми. Ю.ф.н. дисс.Т., 2004.
24. Умарова Г.Б. Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органларининг шаклланиши ва такомиллаштириш тарихи. Тарих фан. номзоди... дисс. Т., 2003.
25. Шамсудинов Р.Т., А.А. Исҳоқов Андижон тарихидан лавҳалар.- Т.: Шарқ, .- Т.: Шарқ, 2013.
26. Жумаев Р. Давлат ва жамият: Демократлаштириш йўлида.- Т.: Шарқ, 1998.
27. Қирғизбоев М. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши. Сиёсий фан. докт. Илмий даражасини олиш учун дисс.-Т., 2007.
28. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: генезиси, шаклланиши ва ривожланиши. – Т.: Ўзбекистон, 2010.

29. К.А. Юнусов масъул мухаррирлигида. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этишда нодавлат ва жамоат бирлашмаларининг роли. –А.: Андижон ДУ 2009.
30. Т.Ортиқов, К.А.Юнусов, М.Юнусова, В.Қўчқаров. Ўзбекистондаги нодавлат ва жамоат бирлашмалари фаолиятининг назарий асослари. – Андижон, 2008.
31. Ҳолбеков А. Ўзбекистонда жамиятнинг демократлашуви жараёнида ижтимоий адолатни амалга ошириш муаммолари (сиёсий-социологик таҳлил). Соц.фан.докт.илмий даражасини олиш учун дисс.-Т., 2001.
32. Қориева М. Мустақиллик-эркин ва фаровон ҳаёт. –Т.: Янги аср авлоди. 2013.
33. Леонид Левитин. Ўзбекистон тарихий бурилиш паласида. Президент Ислом Каримов тарафдорларининг танқидий мулоҳазалари. Т.:”Ўзбекистон” 2001.
34. Абу Насир Фороби. Фозил одамлар шаҳри. 2-нашри –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илми нашриёти” 2012..
35. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини ўрганиш бўйича. Ўқув қўлланма.-Т.: “Ўқитувчи” -2013.

Электрон манбалар:

36. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумати портали.
37. www.gazeta.uz – Ахборот сайти
38. [www. Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)-сайти
39. www. mahalla.uz-сайти
40. www. Lex.uz-сайти
41. www. Kitob.uz-сайти